

NI 22236
092

И. АБДУЛЛАЕВ

ухоронинг


рабийнавис

оирлари

И. АБДУЛЛАЕВ

БУХОРОНИНГ АРАБИЙНАВИС
ШОИРЛАРИ

NI 22236
09.2



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ-1965

Китобчада X асрда Бухорода яшаб, араб тилида ижод этган ва кўпчилиги ҳозирга қадар адабиётшуносларимиз диққатидан четда қолиб келган бир қанча шоирлар ҳақида маълумотлар берилади ва уларнинг шеърларидан намуналар келтирилади.

Китобча араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги манбалар асосида ёзилган.

Бу асар адабиётшунослар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчилари ҳамда студентлари ва, умуман, Урта Осиё халқлари адабиёти тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир
ва шеърӣ таржима қилувчи**

Филология фанлари кандидати

АБДУСОДИҚ ИРИСОВ

КИРИШ

Ўрта Осиё халқлари тарихида сомонийлар даври (X аср) муҳим ўрин тутди. Араб халифалигидан мустақил бўлган сомонийлар ҳокимияти илм-фан ва адабиётга катта эътибор берди. Бу даврда Бухоро йирик фан, адабиёт ва маданият марказига айланди. Ас-Саолибийнинг таъбирича, «Бухоро сомонийлар даврида шон-шўхрат макони, салтанат каъбаси ва замонанинг илғор кишилари тўпланган жой эди»¹. Нуҳ ибн Мансур (976—997) даврида сомонийлар кутубхонасидан унумли фойдаланган буюк мутафаккир Ибн Сино бу кутубхонанинг ҳар хил китобларга бой эканлигини, ҳар қайси уйда фаннинг турли соҳаларига онд асарларнинг сақланиши, ҳатто кўпчиликка номаълум бўлган китобларнинг бу ерда мавжудлигини қайд қилиб ўтган эди.

Бу даврда араб тили секин-аста ўз ҳукмронлигини йўқотиб, унинг ўрнини маҳаллий халқ тили бўлган форс-тожик тили эгаллай бошлади. Даврнинг энг буюк олим ва шоирлари ўз асарларининг бир қисмини ана шу тилда ёздилар (Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абул Қосим Фирдавсий кабилар). Шунга қарамай, X асрда сомонийлар ҳукмронлик қилган ерларда форс-тожик тили билан бир қаторда араб тили ҳам кучли таъсирга эга эди. Шу сабабли ўзлари араб бўлмаган бир қанча маҳаллий шоирлар ўз шеърларини араб тилида ижод этганлар.

Фарбий Европа, Эрон ва совет шарқшунос олимлари томонидан X аср форс-тожик адабиёти мукамал ўрганилди ва бу соҳада анча илмий ишлар қилинди.

¹ Абу Мансур Абдулмалик ас-Саолибий, Ятимат ад-даҳр фи-маҳосин аҳл ал-аср, IV том, Қоҳира, 1375/1958, 101-бет.

Лекни шу даврда Ўрта Осиёда араб тилида ёзилган асарлар ҳозирга қадар тула ўрганилгани йўқ ва бу ҳақда илмий ишлар ҳам кам ёзилган. Ваҳолонки, X асрда Бухорода араб тилида ёзилган, поэзияга оид муҳим манба «Иатимат ад-даҳр»нинг тўртинчи қисмининг ўзи ҳам бу тўғрида анчагина маълумот бера олади.

Бу тазкира муаллифи Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсабурий замонасининг йирик олими, шоир, адабиётшуноси, тилшунос ва тарихчиси бўлиб, 961 йилда Нишонурда туғилган ва 1038 йилда вафот этган. У савдо билан шуғулланиб, кўпроқ тулки териси олиб сотган ва пўстиндўзлик ҳам қилган, шунинг учун у ас-Саолибий² тахаллусини олган. Ас-Саолибий Арабистон ярим ороли, Ироқ, Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм каби жуда кўп мамлакат ва шаҳарларни кезади, замонасининг шоҳ, амир, вазир ҳамда атоқли кишилари, шоир-олимлари билан суҳбатда бўлади. Ас-Саолибий тарих, тил ва адабиётга оид ўнлаб йирик асарларнинг муаллифидир. Унинг «Шоҳномаи Саолибий» китобини форс тилига таржима қилган Эрон олими Маҳмуд Ҳидоят ас-Саолибийнинг 34 асари борлигини кўрсатиб ўтган.

Ас-Саолибий «Иатимат ад-даҳр» («Замонасининг ягона дурдонаси») номли тазкираси билан машҳурдир. Бу асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, X аср ҳамда XI аср бошларигача бўлган даврни, яъни тахминан 912—1010 йилларни ўз ичига олади.

Академик И. Ю. Крачковскийнинг кўрсатишича, ас-Саолибий ўз китобини ёзишга 994 йилда киришиб, уни 1000 йилда ёзиб тугатган. Кейинроқ 1020 йилда асарни қайта ишлаб, унга жуда кўп янги шоирларни киритган. «Иатимат ад-даҳр»нинг иккита қўлёзмаси СССР Фаолар академияси Осиё халқлари институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда. Бу асар 1885—1886 йилларда Дамашқда, 1945 ва 1956—1958 йилларда эса Қоҳирада нашр қилинган.

Тазкиранинг I—III қисмлари Сурия, Миср, Мағриб, Ироқ, Жабал, Форс, Журжон, Табаристон ва бошқа мамлакат шоирларига бағишланган. Тўртинчи қисмида эса X аср ва XI аср бошларидаги Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда яшаган шоирлар билан бир қаторда,

² Саълаб — арабча сўз бўлиб, тулки демакдир. Унинг кўплиги саслиб бўлади.

нишопурлик ва бу ерга бошқа мамлакатлардан келган шоирлар ҳақида маълумотлар берилади ва уларнинг шеърларидан намуналар келтирилади.

Тазкиранинг бу қисми X асрдаги Урта Осиё адабиётини ўрганишда ягона манба бўлиб ҳисобланади. Бу қисмга киритилган 124 шоирдан фақат ўнга яқини ҳақидагина бошқа манбаларда қисман маълумотлар бор. Лекин бу маълумотлар ҳам «Йатимат ад-даҳр»га асослангандир. Бошқа шоирлар ҳақида эса манбалардан бирор-та ҳам маълумот учратмадик. Китобнинг аввалги уч боби Бухорода яшаб ижод этган 47 шоирга, тўртинчи боби эса хоразмлик етти шоирга багишланади.

Бу шоирлардан иккитаси аббосийлар авлодларидан (Абу Толиб ал-Маъмуний ва Абу Муҳаммад ал-Восиқий), уч шоир (Абу Таййиб ал-Мусъабий, Абу Жаъфар ибн ал-Аббос ва Абу Али ад-Домғоний) сомоний вазирларидандир. Қолган шоирлар эса турли касб эгалари бўлган. Шоирлар ичида шошлик Абу Муҳаммад ал-Матроний ҳам бор. Бу X асрдан бизгача етиб келган Тошкентнинг ягона шоиридир.

Энг ачинарли ҳол шундан иборатки, ас-Саолибий ҳам Шарқнинг кўпчилик муаллифлари каби китобга киритилган шахсларнинг тўла таржимаи ҳолини бермаган.

Тазкирага киритилган шеърларнинг кўпчилиги қасида, ҳажв, васфий шеърлар ва бошқа турли хил жанрларда ёзилган шеърини нарчалардан иборат (бирор-та ҳам шеър тўлиқ берилмаган).

Булар орасида, айниқса ҳажвий шеърлар диққатга сазовордир. Шоирлар ўз ҳажвий асарларида амир ва бошқа амалдорларни, халқ ҳисобига бойлик орттирган текниҳўрларни қаттиқ кулги остига оладилар, уларнинг кирдикорларини очиб ташлайдилар.

Ас-Саолибийнинг кўрсатишича, китобга киритилган шоирларнинг айримлари ўз шеърларини форс-тожик тилида ҳам ёзганлар. Масалан, Абул Ҳасан ал-Муродий, Абу Таййиб ал-Мусъабий, Абул Фазл ас-Суккарий каби. Бу шоирларнинг тожикча шеърлари «Йатимат ад-даҳр»га киритилмаган бўлса ҳам, бошқа манбаларда қисман мавжуддир. Энг муҳими шуки, тазкиранинг 88—90-бетларида³ ас-Суккарий ва номаълум бир шоир томонидан тожик тилидан арабчага қасида йўли билан таржима

³ Бундан кейин текст ичида келтириладиган бетлар «Йатимат ад-даҳр»нинг 1956 йилги Қоҳира нашри бўйича берилади.

қилинган анчагина халқ мақоллари учрайди. Бу мақолларнинг кўпчилигини ҳозир эрон, тожик, ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам учратиш мумкин.

Китобга киритилган шоирларнинг баъзилари ўша даврда форс-тожик тилида ижод қилган шоирлар билан яқин алоқада бўлганлар. Чунончи, Рудакий билан ал-Муродий ва ал-Мусъабий ўртасида яқин дўстлик муносабатлари бўлган. Шоир Абул Ҳасан ал-Муҳаммад Рудакийнинг ва ал-Маъруфий деган шоирнинг тўрт мисра шеърини арабчага таржима қилган. Рудакийнинг бу шеърининг фақат араб тилидаги таржимаси бизгача етиб келган бўлиб, асл нусхаси ҳозирча маълум эмас.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, «Йатимат ад-даҳр» га киритилган арабийнавис шоирларнинг деярли ҳаммаси форс-тожик тилини яхши билган ва бу тил улар учун жонли тил вазифасини ўтаган. Аммо тазкирада тожикча сўзлар жуда кам учрайди.

Ас-Саолибий 992 йили Бухорога келиб, баъзи шоирларнинг шеърларини ўз оғизларидан ёзиб олади, баъзиларининг шеърларини эса энг ишончли кишилар орқали ёздириб олади.

«Йатимат ад-даҳр»нинг тили анчагина мураккаб, насрий қисмлари ўша давр адабий ва илмий асарларига хос бўлган насрий қофия билан ёзилган бўлиб, жуда муҳим маданий, тарихий ва биографик маълумотларни ўз ичига олади. Китобдаги шеърларнинг ҳаммаси тўлиқ берилмагани учун уларни тушуниш анча қийин, шунинг учун бу тазкира изоҳ талаб қилади.

Бу асар кейинчалик шундай шуҳрат қозондики, натижада жуда кўп адабиётшунос олимлар таъсирланиб, унга эргашдилар ва ўз тазкираларини ёздилар. Масалан, Абул Ҳасан ал-Боҳарзийнинг «Думайт ал-қаср ва усрат аҳл ал-аср» («Қаср тасвири ва замона аҳллари ҳақида баёнот») тазкираси (бу «Йатимат ад-даҳр»нинг давоми ҳисобланади), Имоуддин ал-Исфажонийнинг (597/1201 йилда ўлган) «Харидат ал-қаср ва жаридат аҳл ал-аср» («Қаср дурдонаси ва замона аҳллари ҳақида маълумот») номли асари. Бу тазкира 10 жилддан иборат бўлиб, 500—592 ҳижрий йилларни ўз ичига олади; Абул Маолий Саъд ал-Варроқнинг (567/1171 йилда ўлган) «Зийнат ад-даҳр» («Замона зийнати») китоби. Бу «Думайт ал-қаср»нинг давоми ҳисобланади. «Йатимат ад-даҳр», айниқса испан-араб ёзувчиси Абул Ҳасан ибн Бассом (542/1174 йилда ўлган) ижодига катта таъсир кўрсатди.

У ўзининг «Аз-Захира фи маҳосин аҳл ал-жазира» («Ярим орол [Испания] аҳлининг фазилатлари ҳақида қимматбаҳо хазина») номли тазкирасини деярли ас-Саолибий таъсирида ёзди; китоб номиши ҳам ас-Саолибий асарига ўхшатиброқ қўяди. Ибн Бассом ўз асарини тўрт қисмга ажратди, унинг бобларга бўлиниши ҳам «Ити-мат ад-даҳр» кабидир.

Булар ас-Саолибий асарининг ўзидан кейинги ёзувчилар ижодига қанчалик баракали таъсир кўрсатганига далил бўла олади.

Ушбу китобчада Бухорода яшаган, ҳозиргача ҳаёти ва ижоди ўрганилмаган, адабиётшуносларимиз диққатидан деярли четда қолиб келган бир қанча шоирлар ҳақида маълумотлар берилади ва уларнинг шеърларидан намуналар келтирилади. Бу маълумотларга «Ити-мат ад-даҳр» тазкираси билан бир қаторда бошқа бир қанча араб, форс ва тожик тилларидаги манбалар асос қилиб олинди.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ўша давр фан ва маданияти тараққиётида ёзишмалар девони («Девони рисола») муҳим роль ўйнаган эди. Бу девондан жуда кўп кўзга кўринган ва ўз шеърлари билан машҳур бўлган шоирлар етишиб чиқдилар. Бухоронинг араб тилида ижод этган шоирларининг йнгирма иккитаси девони рисолада ва бошқа шахсий кишиларда котиблик вазифасини ўтаб, бўш вақтларини шеъриятга бағишлаганлар. Қолган шоирлар ҳам шу девон билан яқиндан муносабатда бўлганлар. Шунинг учун биз улар ҳақидаги маълумотимизни шоир — котиблардан бошлай-миз.

ШОИР — КОТИБЛАР

Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Котиб

Абу Аҳмад ал-Котиб Бухорода туғилган. Унинг отаси Абу Бакр ибн Ҳамид амир Исмоил ибн Аҳмад (900—907) саройида котиблик қилган. Кейинчалик амир Аҳмад ибн Исмоил (907—914) шоирни ўзига вазир қилиб тайинлайди. Абу Аҳмаднинг ал-Котиб тахаллуси унинг котиб бўлганлигидан далолат беради.

Абу Аҳмад амир ворислари билан биргаликда саройда тарбияланади ва Мовароуннаҳрнинг энг ўқимишли кишиларидан бири бўлиб етишади. Шоир ўзининг илк шеърларини вазирлардан ал-Жайҳоний (914—922) ва машҳур Абул Фазл ал-Балъамийларга (922—938) қарши ёзади ва ўз ҳаётини таҳлика остида қолдиради. У Маккага ҳаж қилиш баҳонаси билан Бухородан кетади. Ҳаждан қайтаётганда бир қанча вақт Бағдодда яшайди. Аммо ўз ватанига бўлган иштиёқи уни яна Бухорога қайтишга мажбур этади. Ўлда Омул⁴ шаҳрида тўхтайдди. Бухорога келиб, сарой доирасидаги кишиларнинг унга нисбатан ёвузлик ниятлари тугамаганлигини сезгач, ўзини эҳтиёт қилади, бутун вақтини шеърниётга, дўстлари билан суҳбат қуришга бағишлайди. Унинг энг севган шоирларидан бири (ҳижрий иккинчи асрда яшаган) ал-Атавий эди. Ал-Котиб бу шоирни ҳамма замондошларидан юқори қўяр ва унинг девонини ёлдан биларди. Шу сабабли Абу Аҳмадни «ал-Атавоиний» деб аташарди.

Кейинчалик ал-Котиб Ҳирот, Бўшанж ва Бодгайс⁵ шаҳарларига ҳоким қилиб тайинланади ва унинг аҳволи бир оз яхшиланади. У ерларда бир қанча вақт ҳокимлик

⁴ *Омул* — ҳозирги Чоржўй шаҳри Каспий денгизи қирғоғида ҳам Омул шаҳри бўлган.

⁵ *Бўшанж ва Бодгайс* — Ҳиротга яқин жонда жойлашган шаҳарлардан бўлиб, ҳозир унинг харобаларигина сақланиб қолган.

қилгандан кейин амирдан Нишопурга қайтиш учун рухсат олади. Сўнгра Нишопурдан Бухорога қайтиб келади. Бухорода шоир аянчли аҳволда яшайди. Эҳтимол мана шу муносабатлар шоирни ҳаётдан безиб, пессимизмга берилиб кетишига сабабчи бўлгандир. Чунки у шу даврда ёзган шеърларидан бирида шундай дейди:

Барча инсон истаса умри жовид,
Айларам ўлмоқлигимни мен умид.
Бул ўлимдан минг фазилат топилур,
Лаззатин билган топар андин сурур.

Ҳаётнинг шафқатсизлигига бардош беролмаган шоир, баъзи бир дўстларининг айтишларига қараганда, заҳар ичиб ўлган. Ал-Котибнинг ўлган йилини аниқ кўрсатиш қийин. Тахминан 940—950 йиллар ўртасида вафот этган бўлса керак.

Абу Аҳмад ал-Котибнинг фақат 34 байт шеъри «Иатимат ад-даҳр» орқали бизгача етиб келган. Булар касида, ҳажв ва бошқа жанрларда ёзилган парчалардир.

Унинг асарлари орасида ҳоким табақаларга қарши қаратилган ҳажвий шеърлари алоҳида ўрни тутади. Юқорида айтганимиздек, унинг тиғи асосан вазирларга қарши қаратилади. Абу Абдулло ал-Жайҳоний ҳақида шундай ёзади:

Кўп олт ичиб айтаман, эшит эй Ибн Жайҳон!
Эссиз-эссиз бу давлат, сенга бу тахти равон.
Эшитиб сўзим майли сочларинг бўлсин тикка,
Мўҳтож эмас эди халқ сендай махлук — бошлиққа.
Адолат ҳукми юритса, этилмас эдинг танин,
Шаҳар сулуришга ҳам ярамассан бетанин.

Амир Нуҳ ибн Наср (943—954) ҳукмронлиги давридаги адолатсизликлар шоир ижодига катта таъсир кўрсатди. Ал-Котибнинг халқ норозилигини ифодалаб ёзган шеърдан икки байт сақланиб қолган:

Хирож ёзган девонбеклар доимо «бўлсин омон»
Шилиб ҳамёнларимизни этибдур рағимиз сомон
Никоҳ ҳаққин тўлолмасдан ожиз қолган бу тағ онда,
Талаб қилгай яна биздан падар лаънат боқимонда.

Ал-Котиб шеърлари ичида қуйидаги парча ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳикматли сўзлар характерида бўлиб, шоир ҳамма вазифалардан четлатилиб, ўз вақтини дўстлари билан суҳбат қуриш ва мутолаа қилишга сарфлаган даврларда ёзилган бўлиши керак:

Доимо ахтар ўзингга дилкаш, дўст-ёр,
Пўқса ёринг, анлагил китоб ихтиёр,

Яхши дўстлик қайтарур ёмон ишдин,
Яхши иш бўлур яхши эшдин⁶.
Бир дўстинг сўзласа илму ҳайъатдин,
Бошқаси хушнуд этар ширин суҳбатдин.

Ҳамсуҳбат топмасанг, адаб боғин топ,
Баҳри дилинг очади ширин сўз китоб.
Шеър билан дўст бўлсанг фикринг уйғотар
Маъно гулобидин май — қадаҳ тутар.
Шунда татийсан дўстлик шарбатин,
Билурсан қаҳқаҳа шодлик хислатин.

Жиддийлик боғида кайфинг чоғ бўлур,
Фароғат сурури нур, чироғ бўлур,
Йигитлик умрининг сози ва нақши
Одоблик, шод-хуррам бирладир яхши.
Китобга дўст бўлсанг, илм-одоб келур,
Дўстликдан фароғат, лаззату сурур.

Бу шеърӣй парчаларга асосланиб замонасининг кўз-
га кўринган шоқри, олими ва фозил кишиларидан бўлган
Абу Аҳмад ал-Қотибнинг ижоди ва дунёқараши ҳақида
мукаммал фикр юритиш қийин. Бу бошқа шоирлар ижо-
дига ҳам тааллуқлидир.

Абу Таййиб Муҳаммад ибн Ҳотим ал-Мусъабий

Абу Таййиб ал-Мусъабий X асрнинг биринчи ярмида
Бухорода яшаб ижод этган, кўзга кўринган шоир ва дав-
лат арбобларидан бири бўлиб, тожик адабиётининг асос-
чиси Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг (941 ёки 952 йилда ва-
фот этган) яқин дўсти ва суҳбатдошидир. Гарчи ал-
Мусъабийнинг номи совет ва эрон шарқшунос олимла-
рининг баъзи асарларида тилга олинса ҳам, унинг ҳаёти
ва ижоди ҳозирга қадар ўрганилмасдан келаётир.

Унинг «ал-Мусъабий» нисбаси шоирнинг 52 йил (821—
873) давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳукмронлик
қилган тоҳирӣйлар⁷ хонадонидан эканлигига гувоҳлик бе-
ради. Рудакийнинг ал-Мусъабий шарафига бағишлаб ёз-
ган мадҳиясида⁸ шоирнинг исми ат-Тоҳир деб кўрсатил-
ган. Бизнингча, бу нотўғри, бу ўринда мазкур шеър кири-
тилган «Лубоб ал-албоб» («Қалблар қалби») тазкира-

⁶ Эши — дўст. «Ўзбекча-русча луғат»га қаранг, 560-бет.

⁷ Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ибн Мусъаб ал-Бушанжий бу сулолага асос солган эди.

⁸ Мазкур шеър ва унинг таржимаси қўйироқда берилади.

сининг автори Муҳаммад Авфий хатога йўл қўйган бўлса керак, чунки шу асарда шоир номи ат-Тоҳир деб кўрсатилган.

Шоирнинг исми Муҳаммад, Тоҳир эмас. «Доират ал-маориф» номли афғон қомусида ҳам худди шундай кўрсатилган (бу ҳақда қуйроқда сўзланади).

Ал-Мусъабий ўз шеърларини араб тилида ҳам, форс-тожик тилида ҳам ёзган «зуллисонайн» («икки тил эгаси») эди.

Ас-Саолибий шоир ҳақида шундай дейди: «У [ал-Мусъабий] ҳамма соҳада: [кишилар билан] муносабатда ҳам, ҳокимиятни бошқариш усуллари ва вазирликда ҳам шуҳрат қозонган эди. Унинг қўли ҳусни хатда [кишини ҳайратда қолдирадиган] чақмоқ каби, қалами [қоғоз узра] сайёралардек тез кезар эди. Унинг хати мевали дарахтлар билан қопланган боғ каби [гўзал] нотиқликда худди Уториддан ўрнак олгандай эди. Унинг икки тилда ёзган шеърлари фозиллик маҳсули ва ақл меваси эди. Амир ас-Саъид Наср ибн Аҳмад⁹ унда сон-саноксиз фазилатлар ва жўш уриб турган хислатларига ишонч ҳосил қилгач, уни вазирлик лавозимига кўтарди ва ўзининг махсус суҳбатдошлари қаторига қўшди. Орадан кўп вақт ўтмай, камолот кўзи унинг бошига етди, вазирлик офати уни ҳалоқ этди ва ўз қони билан ерни суғорди».

Эронлик олим Забиҳулла Сафо «Эрон адабиёти тарихи» номли машҳур китобида ал-Мусъабий тўғрисида қуйидаги маълумотни келтиради: «Абу Таййиб Муҳаммад ибн Ҳотим ал-Мусъабий машҳур котиб эди ва Наср ибн Аҳмаднинг ёзишмалар девонида узоқ вақт давомида бошлиқ бўлиб ишлади. 326/938 йилда Абул Фазл ал-Балъамий¹⁰ вазирликдан четлатилгандан кейин бир неча вақт унинг ўрнини эгаллаб турди. Ас-Саолибийнинг «Иатимат ад-дахр» китобида айтилишича, у ўша шоҳнинг фармони билан қатл этилган. У араб ва форс-тожик тилларида ёзган пешқадам шоирлардан бири эди». Забиҳулла Сафо ўз китобига ал-Мусъабийнинг дорий тилида

⁹ Наср ибн Аҳмад сомоний амирларидан (914—943) бўлиб, ас-Саъид лақаби билан машҳурдир.

¹⁰ *Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Балъамий* — Бухоронинг X асрдаги машҳур кишиларидан бири бўлиб, Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида атоқли вазир Абу Абдуллоҳ ал-Жайхонийдан кейин, яъни 922 йилдан 938 йилгача вазирлик қилган эди. У 940 йилда вафот этган.

ёзилган ва Байҳақийнинг «Торихи Масъудий» китобида сақланиб қолган 13 байт шеърини ҳам киритган.

Саид Нафисий ўзининг «Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Рудакийнинг ҳаёти ва ижоди» номли машҳур асарига ал-Мусъабийга бир неча саҳифа бағишлайди. Жумладан, унда қуйидагилар ёзилган: «Рудакий мақтаган учинчи киши Наср ибн Аҳмаднинг вазирини Абу Таййиб Мусъабийдир. Тарихий асарларнинг муаллифлари фанда ҳам, олижанобликда ҳам ўз даврининг машҳур кишиларидан бири бўлган бу вазирнинг тақдири билан қизиқмадилар». Сўнгра Саид Нафисий ал-Мусъабий тўғрисида маълумот берувчи ҳамма манбаларни санаб ўтади ва «Иттиҳат ад-даҳр» даги биз юқорида келтирган маълумотларнинг форс тилидаги таржимасини беради.

Бироқ Саид Нафисий ал-Мусъабийнинг қатл этилган йилини нотўғри кўрсатади. Унинг сўзига қараганда, ал-Мусъабий 330/942 йилда, Наср ибн Аҳмад томонидан девон бошлиғи лавозимидан вазирликка кўтарилгандан кейин ўлдирилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ал-Мусъабий 938 йилгача вазирлик қилган ал-Балъаминдан кейин унинг ўрнини эгаллаган эди. Ал-Мусъабий бир неча кунгина вазирлик қилди, холос. Шоир, шубҳасиз, 938 йилда ўлдирилган, чунки унинг ўрнига шу йили Абу Али ал-Жайҳоний (938—942) вазир қилиб тайинланган эди.

Бундан ташқари, Нафисий Жалолиддин Абул Ҳасан Али ибн ал-Қозий ибн ал-Кифтийнинг (646/1248—1249 йилда вафот этган) «Ал-Муҳаммад мин аш-шуаро» («Муҳаммад исми шоирлар») номли китобига асосланиб, қуйидаги маълумотларни келтиради: «Муҳаммад ибн Ҳотим Абу Таййиб ал-Мусъабий Хуросоннинг ҳамма соҳада камолга етган шоир, вазир, сарой аҳллари ва амалдорларидан бири эди. У ажойиб ақл эгаси ва шеърят санъатида камолга етган киши эди. Унинг олижаноб хислатлари ва кишиларнинг шоир ҳақидаги сонсаноксиз мақтовлари амир Наср ибн Аҳмаднинг кейинчалик уни ўзига вазир ва суҳбатдош қилиб олишига сабаб бўлди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай камолот кўзи унинг бошига етди, вазирлик офати уни ҳалок этди ва ўз қони билан ерни сугорди». Бу сўнги ёзилган мулоҳазаларнинг аинан ўзи ас-Саолибийда учраганини биз юқорида кўрсатиб ўтган эдик. Ал-Кифтий ўз китобида ал-Мусъабий ҳақида «Иттиҳат ад-даҳр»га киритилган маълумотларни келтиради.

Ал-Мусъабийнинг номи бошқа манбаларда ҳам кўп учрайди¹¹. Бу маълумотлар шоирнинг ўша давр адабий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганидан ва кўзга кўринган шоирлардан бири бўлганидан далолат беради.

Афсуски, «Йатимат ад-даҳр» муаллифи шундай машҳур ва истеъдодли шоирга унчалик аҳамият бермаган ва унинг фақат араб тилида ёзилган 13 байт шеъринигина ўз тазкирасига киритган, холос. Бу шеърлар панд-насиҳат, қарилликдан шикоят, шунингдек, ишқий асарлардан иборатдир. Ал-Мусъабий асарлари, унинг бир байт шеърини мустасно қилганда, қасида ва ҳажвий шеърлардан иборат.

Ал-Мусъабийнинг қуйидаги шеърлари афоризмлардан иборат бўлиб, уларда турмушдан лаззатланиш зарурлиги уқтирилиб, кишиларга панд-насиҳат қилинади.

Ўз вақтида халос қил, бахтинг тақдир қўлидан,
Айшингни тез суриб қол, ўтган кунинг ғанимат.
Сендан бўлсин мурувват яхши билан ёмонга,
Қантиб келур не қилсанг, шудир асли ҳақиқат.

Ёшликнинг жуда тез ўтиб кетиши ва қарилликдан шикоят Шарқ шоирлари асарларида, шу жумладан, ал-Мусъабийга замондош бўлган Бухоро шоирлари асарларида ҳам тез-тез учраб туради. Чунки қариллик ўша давр шоирлари учун мусибат келтирар эди. Улар энди ёш шоирлар билан рақобат қилолмайдилар, шоҳлар базмини безатолмайдилар. Ал-Мусъабий ўткинчи ёшликдан шундай шикоят қилади:

Кетиб ёшлик — йигитлик бўлиб қолдим дуоғўй,
Паноҳ берсин худойим, дедим бўлдим художўй.
Зиёратчи бу ёшлик бизни зиёрат этмиш,
Лим тўлдириб гуноҳга, сўнг биздан хижрат этмиш.

Унинг дўстликка бағишлаб ёзган шеърлари ҳам бор. Шоир кўп вақтлар ўтса ҳам кўргани келмаган бир дўстга қуйидагича таъна қилади:

Тирикманми ё касал, кетсам мен дом-дараксиз,
Олмас хабар ёронлар, демак мен ҳеч кераксиз.
Чинакам дўст бўлганда қилардинг дўст ишини,
Ёмон кунда йўқлагай дўсти ҳар бир кишини.

Ал-Мусъабий ижодиёти ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун унинг дорий тилида, мутақориб вазнида ёз-

¹¹ О. Оташ, Китоб таржуман ал-балага, Истамбул, 1949, 86-бет; Гардизий, Зайн ал-ахбор, Берлин, 1923, 37-бет. Бу асарларда ҳам юқорида айтиб ўтилган маълумотлар такрорланади.

ган, юқорнда биз эслатиб ўтган, шеърининг таржимасини келтирамиз. Мазкур шеърда дунёнинг бевафолигидан, тақдирнинг шумлигидан шикоят қилинади. Е. Э. Бертельс «Вазир бу ўта пессимистик мисраларни сомонийлардан бирининг ишжиқлиги билан қатл этилишидан сал олдироқ ёзган», деб тахмин қилади¹².

Бироқ ал-Мусъабий бу ерда мавжуд тартиблардан порозилигини ифодалайди. Шоир тўтиқуш ва дарож образи орқали ифодалаган меҳнаткаш халқ оғир аҳволда кун кечиради. Дунёнинг ноз-неъматидан маҳрум этилиб, унинг сўзи билан айтганда, дўзах азобини тортади. Шоир ўлимтик билан кун кўрувчи қушга ва заҳарли илонга тенглаштирган ҳоким табақа эса дабдабали ва фаровон ҳаёт кечиради. Ал-Мусъабий ўрта аср шароитида тенгсизлик ва озчилик томонидан кўпчиликнинг эксплуатация қилиниши сабабларини тушуниб етолмади, адолатсизликдан шикоят қилиб фарёд чекади:

Дунё сен фикру фасод ва қаллоблик дўқонисан,
Адолатсиз, вафосизсан, беомонлик, имконисан.
Қўринишда мисоли ой, эшитмакка қўбш янглиг
Ўғирлик бобида бургуту шунқорнинг ёмонисан.
Таъмада сен заҳар янглиг, эшитмакда ажойиб куй
Елиб қолсанг шамолдай, чўи тигнинг олмос сямонисан.
Қиморнинг хуш сабурисан, Тибетнинг¹³ мўшкисан дилкаш,
Насимда мисли анбарсан — ҳижозийсан, яманийсан,
Сиртдан хушрўй, гўзал чеҳра, берилган бир ажиб зийнат,
Индан боқса мегажинсан, палидликнинг қобонисан.
Бировга яхши боққайсан, бировга бир қабоқ-қошинг,
Бировга жаннат, ўзгага жаҳаннамнинг хумдонисан.
Сен ўзингсан эрам боги нози неъмат тўлиб-тошган,
Бировларни раво кўрмай, бировларни жон-жонисан.
Мусибатсан чунон оғир, фуҷурлар ҳам тўлиб-тошган,
Турган-битганларнинг ёлгон, каззобликларнинг конисан.
Сен туфайли-ку шатранжда шоҳу мотлар, кетиб дона,
Вазифасин бажармай йўқ килиб келан жаҳонийсан
Закийлар камбағал педин, нечун бой аблаҳий одам?
Товус даррож яшар қисқа, калхат-илон замонисан.
Нечунким галча бир одам умр кўргай ошик юздин,
Ўшал бир мард зрабга олтмиш уч берган нодонисан!¹⁴

Ал-Мусъабий вазирликка кўтарилганда Рудакий унга атаб мадҳия ёзган. Саид Нафисий ўз монографияси-

¹² Е. Э. Бертельс, Избранные труды, История персидско-таджикской литературы, М., 1960, стр. 131.

¹³ Қимор, Тибет — жой номлари.

¹⁴ Бу ерда 63 ёшида вафот этган Муҳаммад пангамбар кўзда тутилмоқда.

нинг учинчи томига бу шеърнинг беш байтини киритган, лекин бу келтирилган парча шеърнинг ҳаммасими ёки унинг бир қисми эканини кўрсатмаган. Бу парча «Осори Рудакий»¹⁵ китобида ҳам бор.

Мазкур шеърни таржимаси билан келтирамиз:

Маро жуди ӯ тоза дорад ҳаме,
Магар жудаш абрасту ман киштзор
Магу як су афкан, ки ҳуд ҳам чунин
Бияндешу дида хирад баргумор,
Або барқу бо жастанн соиқа,
Або гул-гули раъд дар кувҳсор
На моҳи сиёми, на моҳи фалак,
Ки инат гулом асту он пешкор,
На чун пури мири Хуросон ки ӯ,
Аторо нашаста бувад кирдигор.

Маъмуни:

Унинг сахийлиги мени доим тоза сақлайди,
Унинг сахийлиги гўё булут, мен эса экинзор.
Қўй, гапирма ўзинг ҳам энди
Ўйла ва ақл кўзи билан қара:
У момақалдирокли, чақмоқли
Тоғлардаги қалдиरोқли [булут]
Осмоннинг оини ҳам, фалакнинг Ойи ҳам,
Буниси [осмон оини] қўлинг, униси [фалак оини]
хизматкоринг —
Хуросон амирининг ўғли билан тенг келолмайди,
чунки у мангу сахийлик қилиб туради¹⁶.

Абу Мансур Аҳмад ибн Абдун ал-Абдуний

Ас-Саолибий ал-Абдуний ҳақида шундай ёзади: «У Бухоронинг энг кўзга кўринган ва таҳсил топган шоирларидан, уларнинг ичида энг зариф киши эди. Сухбатдошлар [ичида] у райҳон бўлса, фозил кишилар учун хушбўйи ва ширин қовун ва ақли расолар ўртасида ўрта ҳол эди. Унинг шеърлари ёқимли ва завқ берувчи, енгил ва руҳин жонлантирувчидир». Кейин ас-Саолибий ал-Абдунийни замонасининг кўзга кўринган адибларидан Абу Аҳмад ал-Қотиб, Абу Таййиб ат-Тоҳирий, ал-Мусъа-

¹⁵ «Осори Рудакий», Душанба, 1958, 75-бет. (Араб ҳарфидаги нашри, 75—76-бетлар).

¹⁶ Яъни кониётнинг ҳадялари мангулик эмас, сенинг ҳадянг мангулик. Ал-Мусъабий ҳақида муқамчалроқ маълумот олиш учун «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1964 йил 5-сониди босилган мақолага қаранг.

бий, ал-Хазражий каби шоирларнинг суҳбатдоши бўлганини ҳам қайд қилиб ўтади.

Ал-Абдуний ўзининг бир шеърида Абу Наср ибн Ҳабба номли Бухоронинг кўзга кўринган олимни ҳажв қилади. Бу киши ал-Абдунийнинг муаллими бўлган ва 965 йилда вафот этган. Бундан ал-Абдуний 960 йилларда ҳаёт бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Шоирнинг фақат 25 байт шеъри бизгача етиб келган. Буларнинг кўпчилиги ҳажвий шеърлардан олинган парчалардир. Унинг ҳажвий шеърлари кўпроқ ҳамкасблари — котиблар ва замондош шоирларга бағишланган.

Амир саройининг хизматчиларидан ҳисобланган девон котиблари анча қийин аҳволда ҳаёт кечирардилар. Улар тинимсиз меҳнат эвазига жуда оз маош олар эдилар. Ал-Абдуний ўзининг тўрт байтдан иборат бир шеърида ана шу девон котиблари манфаатини ҳимоя қилиб, уларни ўз ҳаётларини яхшилаш учун курашга чақиради:

Эй котиби рисола¹⁷ берибсиз бунча бардош
Шунча азоб-уқубат сизларга бўлмиш йўлдош.
Шу йўлда ўлмоқ орзу-ният эрурми танҳо,
Елга учиб кетибдир олмоқчи бўлган маош.
Гар шикоят қилсангиз фақирликдан ҳоқимга,
«Қайғурма, кўп сабр қил», дейди сизга бағри тош .
Яралгансиз билсангиз амирнинг эшигичун,
«Тўхтанг, маҳбуб манзилин эслаб тўқайлик кўз ёш»¹⁸.

Абул Қосим ал-Қисравий

Шоирнинг таржимаи ҳолига оид деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Ас-Саолибийнинг ёзишича, ал-Қисравий Исфаҳондан 20 фарсах нарида жойлашган Урдистон деган шаҳарда туғилган бўлиб, ўзига бошпана ахтариб Бухорога келган ва бу ерда туриб қолган. У котиблик касби билан шоирлик санъатини ўзида мужассамлаштирган, шеърлари эса нафис ва бадийий гўзал эди.

Ал-Қисравий шатранж ўйинини ёқтирмас, уни ҳар вақт танқид қилар ва бу ўйин билан шуғулланган кишиларга яқинлашмас экан. Ҳатто бу ўйиннинг камчиликлари ҳақида бир рисола ҳам ёзган. Бу рисолада шатранж ўйинига оид терминлар ишлатади, ўзидан олдинги ҳамма шоирларни (Абу Таммом, ан-Ножим, Ибн ал-Муътазз кабилар) эслатиб ўтади ва уларнинг асарларидан парчалар келтиради.

¹⁷ Ёзишмалар девон котибларини айтмоқчи.

¹⁸ 6 ва 8 мисралар исломдан илгари 500—540 йилларда яшаган машҳур шоир Имруул Қайсники.

Масалан:

Агар одам қадри таҳқир қилинса, уни «бу пиёдага ўхшаб қолиб», дейишадн. Хусусан, унинг қадди паст ва қадри кам бўлса, ан-Ножимнинг «Эй, қиймат ва қоматда шатранж пиёдаси» деган сўзини келтирардилар.

Ал-Қисравийнинг шатранж ҳақидаги рисоласидан ташқари 11 байт шеъри «Йатимат ад-даҳр»га киритилган. Икки байтдан иборат бир парчада у ўз аҳволи ҳақида ёзади:

Мен куриб турсам сению, сен мени кўрсанг етар
Ҳоли аҳволимни, жоним, гоҳ сўраб турсанг етар.

Бошқа тўрт байтли парчада ал-Қисравий бойларни саҳий бўлишга, мол-мулкни бошқалар билан баҳам кўришга ундайди. Унинг шеърлари ичида мадҳий парчаларни ҳам учратиш мумкин.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Ҳаддодий ал-Балхий


Ал-Балхий нисбаси унинг балхлик эканидан дарақ берса, «ал-Ҳаддодий»¹⁹ тахаллуси эса ўзининг ёки отасининг темирчи бўлганини кўрсатади.

Ас-Саолибий ал-Балхийни Балхдан етишиб чиққан тўртта машҳур кишининг биттаси деб ҳисоблайди: Абул Қосим ал-Балхий (319/931 йилда ўлган) — фикҳа ва калом илмида машҳур «Тоҳир хонадони гўзалликлари» («Маҳосин ал-Тоҳир») ва «Хуросоннинг фахрли ишлари» («Мафоҳир Хуросон») асарларининг муаллифи; Абу Зайд ал-Балхий (850—934 йил) — риторик, астроном, географ ва файласуф бўлган; Саҳл ибн ал-Ҳасан — форсий шеърларда машҳур шоир ва ниҳоят, Муҳаммад ибн Мусо — араб тилининг устаси ва арабча шеър ёзишда санъаткор адиб.

Ал-Балхий замонасининг кўзга кўринган арбобларидан бири, шоир ва ҳарбий қўмондон Ҳусайн Али ал-Марварузийнинг²⁰ шахсий котиби бўлиб ишлаган. Ас-Саолибий унинг шеърлари масал ва ҳикматли сўзларга

¹⁹ Ҳаддод — арабча темирчи демакдир.

²⁰ Бу шоир ҳақида кейинроқ сўзлаймиз.



бой эканлиги, халқ орасида машҳур бўлиб, девонга тўп-ланганлигидан хабар беради.

Хусайн ал-Марварузий 930 йили вафот этган, демак ал Балхин шу йилларда ҳаёт бўлган, шоирнинг кейинги тақдири ҳақида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг девони ҳам бизгача етиб келмаган. Фақат 19 байтдан иборат шеърини парчаларигина бизга маълум. Бу шеърлар мазмун жиҳатдан халқ ижодига яқин бўлиб, ҳикматли сўзларни эслатади.

Масалан:

Шикоят айласам бир паст кишидин,
Езиб ашъор ани қилмиш — ишидин,
Ажаб этманг, чивин бўлса ногавон,
Ундан нолир мендай фили паҳлавон.

Ал-Ҳаддодий шароб ичишга қарши бўлган бўлиши керак. Чунки унинг баъзи шеърларида шаробхўрлар таъна остига олинади. Жуда чиройли мажозий сўзлар ишлатиб, уларнинг устидан кулади:

Қанча тоқлар кўкрагини эммадинг,
Соч оқармиш сутга тўйдим демадинг.

Шоир баъзан ўз шон-шуҳратини ҳам куйлайди:

Эмасман маҳруми ҳурмат одамларнинг орасида,
Ўлим шўҳратда, кўнгил таъна тошининг халосида.

Абу Муҳаммад ас-Суламий

Ас-Саолибий тазкирасидан бошқа манбаларда Абу Муҳаммад ас-Суламий ҳақида маълумот учратмадик. Ас-Саолибий эса жуда ҳам оз маълумот беради.

Абу Муҳаммад ас-Суламий фозил кishiлардан бўлиб, котиблик вазифасини ўтаган, лекин қайси амир саройида экани маълум эмас. Бу тахминан амир Нуҳ ибн Наср (943—954) саройида бўлса керак. У давлат ишларини бошқариш билан бир вақтда нодир ва ажойиб шеърлари билан халқ орасида ҳам машҳур бўлган.

«Ҳатимат ад-дахр» даги парчалар ас-Суламийнинг сатирик шоир бўлганидан дарак беради. Вазирлардан Ҳоким ал-Жалил ва Абу Жаъфар Утбийларга (356—959) қарата ёзган ҳажвий шеърлари шоир ижодий фаолиятининг X аср ўрталарига, яъни 940—960 йилларга тўғри келганини кўрсатади.

Ёзишмалар девонида хизмат қилиши ва давлат топшириқларини адо этишига қарамай, ас-Суламий давлат

арбоблари, айниқса, вазирларнинг тутган сиёсатидан норози бўлган. Шоир уларни ҳажвий шеърларида қаттиқ кулги остига олади, кирдикорларини фош қилади. Замондош вазирлардан биронтаси ҳам унинг ҳажв ўқидан омон қолмаган.

У Нуҳ ибн Наср замонида вазирлик қилган ҳоким ал-Жалил ҳақида шундай ёзади:

На одам турқидек ҳусну туси йўқ,
Нутқини эшитган айтар: эси йўқ.
Анласа бир киши ҳурматдин салом,
Аликка келади буйруқ, вассалом.
Не учун мен сени айладим ҳурмат?!
Қани сендаги у вазирлик, хислат?!

Қуйидаги парчани Абу Жаъфар ал-Утбийга қарши ёзган: Мен [одатда] Абу Жаъфарни²¹ койир эдим ва унинг муҳмал ишларидан ажабланардим. Аммо [иккинчи] Абу Жаъфарни синаб кўрганимиздан кейин, аввалгисини эслаб кўз ёши тўкдим.

Ас-Сулабийнинг ҳажвий шеърлари юқори табақа вакилларига қарши қаратилган бўлиб, хасис ва сурбет киши ҳақида ёзган икки байт шеъри диққатга сазовордир. Шоир жуда чиройли ўхшатиш ва муболағалар ишлатади:

Қайнаса қозон Румда ёки андин широк;
Бўлсанг ҳамки Хитойда, искаб топардинг шу чоқ.

Х аср ўрталарида ўзаро уруш ва жанжаллар туфайли феодал муносабатлар кескинлаша бошлайди. Хазина талон-торож қилиниб, халқнинг аҳволи оғирлашади, солиқ, жарималар янада кўпайтирилади. Бу ҳақда шоир ал-Қотиб ёзган бир шеърни юқорида келтирган эдик. Ас-Сулабийнинг қуйидаги шеъри ҳам худди шу вақтда ёзилган бўлиб, унда деҳқонларнинг оғир аҳволи тасвирланади:

Ҳосил берарди кўп-кўп эгасига бу ерлар.
Энди эса бу меҳнат, қон тўкиш-ла баробар.
Чиқимларга бўлиб гарқ, йиғилди барча ғалла,
Ғурбатдадур эгаси, роҳатдан йўқдир хабар.
Нажот топар заҳматкаш, азобга берса бардон.
Икқса сочин юларлар, тукидин қолмас асар.

²¹ Қандайдир бошқа Абу Жаъфар устида сўз боринти.

Абу Наср аз-Зарифий ал-Абивардий

Ас-Саолибий бу шоир ҳақида жуда қисқа маълумот бериб шундай ёсадн: «Аз-Зарифий [шоир] ал-Ҳузаймийдан²² дарс олган ва у туфайли илм эгаллаган. Кейин котиб, шоир ва лақабига хос зариф²³ киши бўлиб етишди. У пойтахтга [Бухорога] келиб қолади, бу ерда узоқ вақт яшаб, [шаҳарнинг] фозил кишилари билан яқиндан алоқада бўлади ва шу ердан Абивардга алоқа ходими қилиб тайинланади».

Шоирнинг ҳозиржавоблиги, ақл ва заковат эгаси бўлганлигига ас-Саолибий келтирган мана бу эпизод ҳам гувоҳлик беради:

Бир кун у пойтахтдаги вазирлардан бирининг олдига кирази ва [ўтирган] кишиларнинг энг охирига бориб ўтиради. Ундан бунинг сабабини сўраганларида: «Менга: «Олдинроқ ўтир!» деганлари, «Орқага сурил!» деганларидан афзалроқдир»,— деб жавоб қайтаради. Аз-Зарифий ҳақида бошқа маълумотларга эга эмасмиз.

Бизгача шоирнинг фақат 10 байт шеъри сақланиб қолган, холос.

Аз-Зарифий Бухорода яхши яшаган бўлса ҳам, ўз ватани Абивардни севади ва гариблигидан шикоят қилади.

Учдим Ватан — уямдан ғизоим бўлмаганда.

Ташларму қуш уясин, қорин фарз ўлмаганда.

Аз-Зарифий ижоди халқ оғзаки ижодига яқин турган, у ўз шеърларида баъзан халқ мақолларидан ҳам фойдаланган. Масалан:

Яхши бўлса обруйинг, қадамда ҳамтовоқ бор.

Сиринг яшир, махфий тут, деворда ҳам «қулоқ бор».

Шоир шеърларида ҳажвий мисраларни ҳам учратамиз. Сомоний вазирларидан бирининг бир кўзи кўр бўлган бўлиши керак²⁴, аз-Зарифий қуйидаги байтда ана шу вазирни ҳажв қилади:

Эй давлати шаҳона, вафосизсан сар-босар

Бўлдинг келиб замона бир кўзликка муяссар.

Давлатга этди мунчоқ, шу бир кўзлик кишини.

Душман кўз тегмасин деб, кўринг дунё ишини.

²² Бу шоир ҳақида кейинроқ тўхтаб ўтамиз.

²³ Зариф — ақлли, фаросатли, гўзал демакдир.

²⁴ Бу вазирнинг бир кўзлик эканини Абу Мансур ал-Бушанжии деган шоир ҳам эслатиб ўтади. У ҳақида кейинроқ маълумот берамиз.

Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Динаварий

«Иатимат ад-дахр»да ад-Динаварийга анчагина ўрин берилган бўлса-да, унинг таржимаи ҳолига оид маълумот жуда ҳам оз. Ас-Саолибий шундай ёзади: «У Хуросоннинг кўзга кўринган адиб, бош котиб ва машҳур арбобларидан бири эди. Унинг ўғли Мансурнинг менга хабар беришча, ад-Динаварий Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталлиб²⁵ авлодларидан бўлган. Одоб гўзалликлари ҳақида ўттиздан ортиқ асар ёзган ва жуда кўп нафис шеърлар ижод этган».

Ад-Динаварий асли Динавар шахридан бўлиб, у бошпана излаб, Бухорога келиб қолган. Вазир Абул Ҳусайн ал-Утбийга (974—986) қарши ёзган ҳажвий шеъри шоирнинг X асрнинг 80-йилларида Бухорода яшганлигидан дарак беради. Бошқа бир шеърида у кексаликдан шикоят қилади ва ўз тақдирдан нолийди. Кексайиб қолган шоирга ҳеч ким: хизматкори ҳам, болалари ҳам қулоқ солмай қўйган. Қўйидаги икки байт шеър ад-Динаварий таржимаи ҳоли ҳақида маълумот беради.

Кўрдим умри замона, қилур менга кифоят.
Тўқсон тўққиз ва икки қаддим эгмиш ниҳоят.

Бундан шоирнинг юз йилдан ортиқ яшагани ва шеърлар ёзгани маълум бўлади. Агар бу тўғри бўлса, ад-Динаварий XI аср бошида, яъни 1010—1020 йилларда газнавийлар ҳукмронлиги даврида вафот этганлиги маълум бўлади.

Ас-Саолибий ўз тазкирасига шоирнинг 93 байт шеърини киритган. Булар қасида, ҳажвий ва васфий шеърлардан олинган парчалардир.

Шоир ижодида васфий шеърлар асосий ўринни эгаллайди. Унинг васфлари жуда бадий ва моҳирлик билан ёзилган. У чиройли ўхшатишлар, мажозий ибора ва эпитетлар ишлатади. Баъзан унинг васфий шеърлари шеърий топишмоққа айланиб кетади. Айниқса беҳи, олма, анор ва озарюн²⁶ ҳақидаги васфий шеъри диққатга сазовордир. Шоир бу мева ва гулларни меҳржон байрами куни бир дўстига шу шеъри билан бирга совға қилиб юборади.

²⁵ Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталлиб — машҳур араб олимларидан; 687—688 йилда вафот этган.

²⁶ Озарюн — гули сариқ бир йиллик боғ ўсимлиги.

Меҳржонда саҳар чоғи юбордим мелаю гуллар.
 Ани атрини искаб ошиқ ўлсин, яйрасин диллар.
 Муаттар, кўк ипак парда ичида сақламиш курра.
 Алар келганда қошингга ёрилгай шул замон тиллар.
 Балоғат боғидан чиқмиш ечиб ул эски кўйлакни,
 Очиб зарпардаи шоҳин гўзал кўкси-ла бир хиллар²⁷.
 Раёно юзли, сариқ холли²⁸, ичи гавҳарга лиқ тўлган²⁹,
 Аламлар боғидан чиқмас ани кўрса асал-боллар.
 Қарамлик қўли бирла мушк-анбар тўлдириб андоқ,
 Қуёш тутмуш қадаҳларни³⁰ сочиб атрофга бўй еллар.
 Қабул эт тортигим дарҳол, кўн ўрнида кўр оз бўлса.
 Аларни лаззатин тотгач, тушар ёдингга манзиллар.
 Май ич кайфингни чоғ этгил, муғаннилар томон шошгил.
 Қувват йиғ то қиёмат кун давом этсин умр-йиллар.

Ад-Динаварийнинг китоб ҳақидаги васфи ҳам жуда бадний ёзилган. Шоир бунда китобнинг ажойиб фазилатларини усталик билан баён этади. Китоб кишининг энг яхши дўсти ва ҳамсуҳбати, унга ором берувчи ва уни шод этувчидир. Бу шеър шоирнинг китоб сўраб олиб, ўз вақтида қайтариб бермаган бир дўстига қарата ёзилган:

Азизим айладинг маҳрум менинг жонона дилдордин,
 Пўқолди шодлигим бирдан ажургил нолайи зордин.
 Ажойиб қиссалар айтиб оларди қайғу-ҳасратни,
 Муҳибимни кўролмасдан ўлиб бўлдимку хуммордин.
 Бирор чоғ гар Абу Ҳотим, Язидий ҳам Қурайб ўғлин,
 Агар аҳволидин сўрсам, такаллум айлар афкордин.
 Шикоят айламиш ҳар гал сенинг бедод дастингдин.
 «Қачон етгай халос вақти?» — садо чиққай у ночордин.
 Туну кун менга ҳамдарду овинчоғим эди дилкаш,
 Худо хайрингни берсин ким, юбор тезда бирор ёрдин.

Ад-Динаварий ижодида ҳажвий шеърлар ҳам муҳим ўрин тутади. У, вазир Абул Ҳусайн ибн ал-Утбийни ҳажв қилиб ёзган шеърда вазир устидан қаттиқ кулиб, уни коптокка, семиртирилган ўрдакка, маймун ва эшакка ўхшатади.

Ад-Динаварий ҳаёти моддий қийинчилик ва танглик билан ўтган. Бу ҳақда шундай ёзади:

Замона айласа бебахт, балоларнинг гирифтори
 Карам аҳлидек сабр этгум қабиҳ зотнинг жафосига.

Шоир замон мусибатларига қанча сабр қилмасин, унинг аҳволи яхшиланмади, ишонган кишилари уни ташлаб кетди, ёрдамчисиз, ҳимоясиз қолди.

²⁷ Бу ерда беҳини айтмоқчи.

²⁸ Олмани айтмоқчи.

²⁹ Бу ерда анор назарда тутилади.

³⁰ Озориюнни айтмоқчи.

Абул Ҳасан Аҳмад ибн ал-Муаммал

Ас-Саолибий бу шоир ҳақида жуда қисқа маълумот беради: «У Абул Ҳасан Фоиқ ал-Хоссанинг котиби бўлиб, Хуросоннинг кўзга кўринган котибларидан бири ва уларнинг ичида энг фозили эди. Унинг жуда кўп нафис ва оромбахш шеърлари ҳам бор».

Ас-Саолибий шоирнинг шеърларини унинг ўз оғзидан ёзиб олганини таъкидлайди. Демак, у ибн ал-Муаммални кўрган бўлиши керак. Бу шоир Нишопур ҳокими ва замонасининг машҳур кишиларидан бўлмиш Абул Вафо ибн ал-Ҳасан ибн Исо ал-Муаммал ан-Найсабурийнинг (319/931 йилда ўлган) ўғли бўлса керак, деб тахмин қилиш ҳам мумкин.

«Натимат ад-даҳр»да келтирилган парчалар мадҳия ва лирик шеърлардан иборат. Бир парчани шоир 377 (987) йилда беш ой ҳукм сурган сомонийлар вазири Абу Наср Аҳмад ибн Абу Зайднинг бевақт ўлдирилишига бағишлайди. Бу қасида, сўзсиз, 987 йилда ёзилган. Демак, бу йилларда Ибн ал-Муаммал кўзга кўринган шоир бўлиб, у X аср бошларида вафот этган бўлиши керак.

Ибн ал-Муаммал асарлари орасида муҳаббат темасида ёзилган шеърлар ҳам учрайди. Қуйидаги парча ишқий ғазални эслатади.

Ажойиб қуш йироқдан учиб келмиш тушимда,
Келтирмиш менга мактуб, бўлмай қолдим ҳушимда.
Яхшиларнинг гўзали ёзмиш «танҳо қолдирдинг,
Маҳрум ўлдим кўришдан, тўхтаб йўқ кўз ёшимда.
Юрагинг тоғнинг тоши, мармари бўлди менга,
Нитилдим сенга ёрим, бўлсанг кошки қошимда».

Шунингдек, шоир шаробхўрлар устидан ҳам кўлади:

Борарлар сог-саломат алар майхоналарга,
Қайтишларида телба ўхшар девоналарга.
Гавда оғар ҳар ёнга торозу палласидек,
Беланчакдек тебраниб, қайтар кошоноларга.

Ибн ал-Муаммал шеърлари орасида тожик шоирлари Рудакий ва Маъруфий асарларидан таржима қилинган иккита парча ҳам сақланиб қолган. Бу шоирнинг тожик тилини яхши билгани ва ўз замондоши бўлган тожик шоирларининг асарлари билан яхши таниш бўлганидан далолат беради.

Абул Қосим Исмоил аш-Шажарий

Ас-Саолибий берган маълумотларга қараганда шоир Х аср охири ва ХІ аср бошларида яшаган. У мамлакатда нотинчлик ҳукм сурган, сомонийлар сулоласи инқирозга учраб, газнавийлар давлати тикланаётган бир даврда яшаган. Шунинг учун ҳам аш-Шажарийнинг бутун умри сарсон-саргардонликда, бошлана излаш билан ўтди. Бу шоир ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. У ўз шеърларида аҳволининг оғирлиги, бахтсизлиги ва тақдиридан шикоят қилади:

Ўзгаларнинг ўида яхшиларга атаб безатилган хона
бўлса-ю, сенинг ўйингда эса қашшоқлик ва бахтсизликдан
бошқа нарса бўлмаса.
Онт ичаманки, сенинг одамлар учун на таоминг ва
на либосинг бўлмагандан кейин ўлар сенинг хизматингни
қилишадими?

Абул Қосим аш-Шажарий тожик тилини жуда яхши билган ва тожикчадан араб тилига таржималар қилган. Унинг Абул Ҳасан Огажий деган тожик шоири шеъридан қилган икки байт таржимаси бизгача етиб келган:

Одоб ва [дўнардаги] мавқеимни, куч-қудрат ва
шон-шўҳрат билан қандай олишишимни билмоқчи
бўлсанг,
Менинг кимлигимга чопқир от, қилич, арқон, уд,
нард, шатранж ва қалам гўвоҳлик беради.

Абу Али ас-Салломий

Абу Али Ҳусайн ибн Аҳмад ас-Салломий ўз замонасининг машҳур олими ва шоири эди. У Нишопурдан ўн икки фарсах нарида жойлашган Байҳақ вилоятдан бўлиб, француз олими Барбье де Менар уни Бағдод, яъни Дор ас-Саломдан келиб чиққан деб тахмин қилади ва эҳтимол Бувайҳидларнинг Райдаги вазири олим ва шоирлар ҳомийси Соҳиб ибн Аббоднинг яқин суҳбатдошларидан машҳур Муҳаммад ас-Салломийнинг отаси бўлгандир, дейди.

Ас-Салломий истеъдодли котиб ва бир қанча асарлар муаллифи эди. Унинг таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Ас-Саолибий қолдирган маълумотларга кўра, у 933 йили Хуросон ҳокими қилиб тайинланган Абу Бакр ибн Муҳтож хизматига киради ва кейинчалик унинг Нуҳ ибн Наср замонида узоқ вақт Хуросон ҳокими бўлган ўғли Абу Али ас-Сағоний саройи-

да хизмат қилади. Демак, ас-Салломий Х аср ўртала-рида яшаб, ижод этган.

Ас-Салломий «Ахбор вулоти Хуросон» («Хуросон ҳо-кимлари ҳақида ахборот»), «Натф аз-зарф» («Ҳикматли сўзлардан намуналар»), «Китоб ал-мисбоҳ» («Чироқ ҳақида китоб») каби асарлар яратган. Афсуски, бу асар-ларнинг фақат номигина бизгача етиб келган, холос. Айниқса унинг «Ахбор вулоти Хуросон» китобининг сақ-ланиб қолмаганлиги жуда ачинарли бир ҳолдир. Бу асар Хуросон мамлакати ва ўша давр кишилари ҳақидаги му-ҳим ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган бўли-ши керак. Академик В. В. Бартольд, ас-Салломийнинг бу китоби Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳақида энг батаф-сил ахборотлар берувчи асарлар авторлари Гардизий ва Ибн ал-Асир учун асосий манба бўлиб хизмат қилган, дейди. Бу асардан ўз вақтида Жувайний ва Ибн Халли-конлар ҳам самарали равишда фойдаланганлар.

Ас-Саолибий бу олимни шоир сифатида эслатиб ўтса ҳам «Иатимат ад-даҳр»га унинг фақат икки байт шеър-ни киритган, холос. Бу парчада ас-Салломий авторлар ҳақида ёзади.

Ёзган нарсасини ҳамма кишилар кутиб олишларига ишонган киши уни (қайта-қайта) тугрилайди.

[Шунда] улар унинг сўзларига қулоқ соладилар, у эса уятсиз сўзлардан ўзини сақлаши керак.

Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ал-Искофий ан-Найсабурий

«У Хуросоннинг тили, ғурури, кўзи ва ягона кишиси эди. У котиблик ва балоғатда Хуросонда бирдан-бир ки-ши бўлиб, илм ва санъатда тенги йўқ эди. Нишопурда адаб ва таълимнинг сирларидан, уни йўл-йўриқларидан хабардор бўлган машҳур Ҳасан ибн Меҳрижон деган кишидан таълим олди. Кейин [ал-Искофий] анча вақт қандайдир девонда котиблик қилди ва [ундан] тенги йўқ [киши], фазилат дурдонасининг чўққиси, замонасининг нодири, фалакнинг қўл тегмаган дури бўлиб етишиб чиқди. Шоир ал-Ҳузаймий ўз қасидасида ал-Искофий ҳақида шундай деган эди:

У баёнда [ҳамма] одамларни ўзиб кетди ва кўпчилик икромн оилан фалакнинг қўл тегмаган дури бўлиб қолди.

У тўфайли подшоҳнинг [амир] Абдулмалик авлодлари қўлида барқарор топди».

Ас-Саолибий мана шундай сўзлар билан ал-Искофий ҳақидаги маълумотларини бошлайди ва бу шоирга ўз тазкирасидан олти бет ажратади.

Абул Қосим ал-Искофий ҳақиқатан ҳам ўз даврининг машҳур котиби, шоири ва кўзга кўринган давлат арбобларидан бири эди.

Унинг бириинчи нисбаси «Искофий» шоирнинг Ироқдаги Искоф шаҳридан келиб чиққанидан дарак беради, агар бунга лақаб деб олинса, ал-Искофий ёки унинг отаси этникдўзлик ёки қандайдир бошқа ҳунар билан шугулланган бўлиши керак (арабча «искоф» ва «искофий» сўзлари «этикдўз» ёки умуман «косиб» маъносини билдиради). Иккинчи нисбаси эса унинг нишопурлик эканлигини кўрсатади.

Ас-Саолибийнинг ёзишча, ал-Искофий умрининг гуллаган ва ишининг ривож топган бир даврида Абу Али ас-Соғоний хизматига киради. Абу Али унга тўла ишонч билдириб ва талантини қадрлаб, ёзишмалар девонига бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу вазифа шоир қобилиятининг янада ўсишига имкон туғдиради. Унинг хатлари тезда амир ал-Ҳамид Нуҳ ибн Наср (943—954) диққатини ўзига жалб этади. Амир ал-Искофийни ўз хизматига юборишни сўраб Абу Алига фармон юборади. Аммо шоир бунга розилик бермай, узоқ вақт яшириниб юради. Кейинчалик Абу Али амир Нуҳга қарши кўзғолон кўтариб Журжонда мағлубиятга учрайди ва ўз она ватани Соғонионга қочади. Ал-Искофий бошқа кишилар билан бирга амир томонидан асир олиниб, қалъага қамалади. Шундан кейин шоир талантини қадрлаган ва уни ўз саройига яқинлаштириш учун қулай фурсат кутиб турган амир Нуҳ ибн Наср, шоирнинг қалбига қўл уриб кўриш мақсадида, қандайдир бир шайх номидан қалбаки хат уюштириб, қамоқхонага юборади. Хатнинг мазмуни шундай эди: «Абул Аббос ас-Соғоний Бухорога хат ёзиб, султондан сени озод этишини ва Шош [Тошкент] га келиб, давлат ёзув ишлари билан шугулланишини талаб этди. Шунга хоҳишинг қандай». Ас-Искофий хатнинг тагига «менинг учун қамоқхона бошлиғи сизлар даъват қилаётган кишидан афзалроқ» (Қуръон, 12-сура, 33-оят), деган оятни ёзиб қўяди.

Бу хатни ўқиган амир ал-Искофийни қамоқдан бўшатади ва девони рисола бошлиғи Абу Абдуллоҳ Килаҳга ёрдамчи қилиб тайинлайди, бу 948 йилда юз берган эди. Килаҳ вафотидан кейин ал-Искофий девон бошлиғи

вазифасида ишлайди. Қотибликда шунчалик санъат ва маҳорат кўрсатадики, унинг шон-шуҳрати бутун атрофга машҳур бўлади. У ёзган хатларни ўқиган кишилар ҳайрат бармогини тишлар эдилар. Қунлардан бир кун амир Нуҳ ибн Наср ал-Искофийга қандайдир бир вилоят бошлиғи номига мактуб ёзиб юборишни буюрадида, ўзи овга жўнаб кетади. Шу пайт ал-Искофийнинг уйига дўстлари келиб қолади ва улар билан айш-ишрат ҳамда ширин суҳбат қуриб амирнинг топшириғини унутиб қўяди. Нуҳ овдан қайтиб келгандан кейин, номани ўқиб беришни буюради. Ал-Искофий маст бўлишига қарамай, қўлига бир варақ оқ қоғоз олади ва амир қаршисида ўтириб, узундан-узоқ номанинг худди ўзини ўқигандай қилиб ўқий бошлайди. Мактуб мазмунидан тўла қаноатланган амир уни оққа кўчиришни таклиф қилиб, ўз хонасига кириб кетади. Ал-Искофий ёзган рисолалар жуда шуҳрат қозониб қўлдан-қўлга ўтиб юарди. Кўпчилик рисолалари ҳикматли сўзларга айланиб кетган эди. Масалан: «замонда беқарорлик бор, у доимо ўзгариб туради, ундаги ишлар ҳам айланиб туради», «яхши ахлоқни ҳаракатчанлик етиштиради, мевани эса дарахт етиштиради», «миннатдорлик роҳатни кўпайтиради, вафодорлик — яхши мукофот [гаровидир]», «ёшлик ғурури шавқ уйғотмасин ва сохта ишончлар сени рағбатлантирмасин», «кимнинг йўлдоши [фақат] ҳаво бўлса, у [қуш каби] тухум туғиш ва чинқиришни [билади], «кимнинг олдида шер ожиз бўлса, у сакрайди ва юқори кўтарилади» кабилар.

Амир Нуҳ ибн Наср вафотидан кейин тахтга унинг ўғли Абдулмалик (954—961) ўтиради. У ҳам ал-Искофийни ёзишмалар девонига бошлиқ қилиб тайинлайди ва мартабасини улуглайди. Аммо тезда шоир қаттиқ касалликка чалишиб, ҳаёт билан видолашади. Ас-Саолибий: «У ёшлик ва таланти ниҳоятда камолотга эришган даврида худо паноҳига кетди [вафот этди], қотиблик ундан ажраб парокандаликка учради, балоғатни чанг босди, пойтахтнинг кўпчилик фозил кишилари разият чекдилар ва унинг [ўлими муносабати билан] сон-саноқсиз марсиялар ёзилди», деб нақл қилади. Шоир Абу Наср ал-Ҳузаймий ёзган марсиядан қуйидаги парча «Йатимат ад-дахр»да сақланиб қолган:

Девони рисолаи кўрмаяпсанми, [ал-Искофийнинг] йўқлиги туфайли унинг қалами ва дафтари бўш қолди.

Бу худди қўриқлаб турган таянчи кетиб қолган чегара

шаҳри на тўзалиши мумкин бўлмаган майиб каби.
Унга хати ва нотиқлиги [қайгуриб] йиғласин. Чўнки
у хатни безаган киши ўлди ва нотиқлик сирғари оламдан
ўтди.

Юқорида келтирилган маълумотлар ал-Искофийнинг
зўр талант эгаси ва замонасининг кўзга кўринган адиби
бўлганидан гувоҳлик беради. Шуларга асосланиб, унинг
ўлган йилини тахминан аниқлаш мумкин. У амир Абдул-
малик подшоҳлигининг биринчи йилларида, яъни 955—
956 йилларда вафот этган бўлса керак.

Ал-Искофий котиблик маҳорати билан жуда шуҳрат
қозонди. Унинг бу соҳадаги санъати кейинчалик кўпчи-
лик котиблар учун нодир намуна бўлди. Бу ҳақда Низо-
мий Арузийнинг машҳур «Чаҳор мақола [«Тўрт мақола»]
номли асарида ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилган ва бу
асарга шоир ҳаётдан олинган иккита ҳикоя киритилган.

Абул Қосим Ал-Искофий шоир сифатида ҳам анча
машҳур киши бўлган. Унинг адабий меросидан бизгача
етиб келган айрим парчалар, албатта, шоир ижоди ҳа-
қида тўла фикр юритиш имконини бермайди. «Иатимат
ад-даҳр»га киритилган парчалар фақат 21 байтдан ибор-
ат бўлиб, уларнинг кўпчилиги девон бошлиғи Абу Аб-
дуллоҳ Қилаҳга қарши қаратилган ҳажвий мисралар-
дир. Бу парчалардан учтасини ас-Саолибий ўз тазкира-
сининг учинчи қисмига киритган. («Иатимат ад-даҳр»,
3-қисм, 160-бет). Ал-Искофий Қилаҳ билан келиша ол-
маган.

Қилаҳ оёғидаги бод касали сабабли ишга замбилда
келар эди. Бу ал-Искофий ҳажвлари учун катта мавзу
бўлган. Масалан, бир ҳажвий парчада шундай ёзади:

Эй, замбилда [керакли ҳамма] жиҳозларини жамға-
риб юрувчи киши!

Олло менга то шу [замбилни] жаноза замбили тобут
қилиб кўрсатгунча умр беради деб ўйлайсанми?

Яна:

Ичида майиб Абу Абдуллоҳ ўтирган замбил орқаси-
дан кетаётганимизда, мен дедим:

Сенинг бахтсизлигинг — [касаллигингдан] қилаёт-
ган шикоятингда, бизнинг бахтсизлигимиз [эса] — сени
вазирликка кўтаришган ўша шум кунларда [ўтган ум-
римизда].

Ҳаёт [албатта] сени бу замбилдан кафанга ўраб, то-
бутга олиб қўяди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. Қилаҳ вафотидан

кейин девон бошлиги лавозимини ал-Искофий эгаллайди.

Шоир бир дўстини ўз уйига таклиф қилиб ёзган қуйидаги парча ҳам диққатга сазовордир:

Беш кунимда богдан ёзямман, мана нозу неъмат хуш хабар келтиряпти.

Марҳамат қил, чунки сен билан учрашишдан бошқа яхшироқ вақт ўзказиш йўқ.

Сен [замонанинг] энг яхши фарзандларидан бирисан, бошқалар эса гўё лойдан [ясалган кишилардир].

Бухоро лойи каби, айниқса агар одам эгар шоҳига маҳкам ёпишиб олмаса, у ҳалок бўлади.

Васфий шеърлар ёзишда ҳам ал-Искофий анча санъаткор бўлган. Атир қўйиш учун ишланган кумуш идишчани шундай тавсифлайди:

Ташқи томонимда гўзаллик барқ уриб турса, ички томонимдан хушбўй ҳид тарқалиб туради. Ярим — танамнинг: насибаси, ярим атирнинг насибасидир. [яъни «ярим бўш, яримда атир турибди»].

Ал-Искофий ҳоким ва амирлар саройида хизмат қилган бўлишига қарамай, унинг ҳоким табақа вакилларига атаб ёзган мадҳияларини учратмадик.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Усмон ан-Найсабурий ал-Хозин

Ас-Саолибий қолдирган қисқа маълумотларга суяниб, бу шоир ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Унинг насбаси «ан-Найсабурий» шоирнинг нишопурлик бўлганидан дарак беради. Қандайдир номаълум сабаб билан Бухорога келиб қолади ва бу ерда умрининг охиригача яшайди. Ўз адабий қобилияти билан тез кунда кўзга ташланади ва давлат хазиначиси лавозимига таъинланади. Шунинг учун у «ал-Хозин» («хазиначи») лақабини олади. Ал-Хозин кўзга кўринган котиб ҳам эди. Ас-Саолибий, «у менга ўз қўли билан ёзилган бир қисм шеърлар тўпамини ҳадя қилган эди. Бунда унинг Бухорода ёзган танланган шеърлари билан бирга пойтахтдаги у билан ҳамқалам бошқа [шоирлар шеърлари] ҳам киритилган эди»,— дейди.

«Йатимат ад-дахр»га ал-Хозиннинг фақат етти байт шеъри киритилган. Бизга маълумки, феодализм шароитида хотин-қизлар ҳуқуқи поймол этилиб, уларга бир буюм сифатида қаралар ва ёш қизлар қари чолларга сотиларди. Ал-Хозин бундай воқеалардан ниҳоятда ранжийди ва уларни қаттиқ масхаралаб кулади:

Бўйга етган қизнинг қора кокиллари устида эркаланиб
ётган тишлайдиган қора ит
Унинг учун кукракларига оқ соқоли осилиб тушган чолнинг
қучоқлаб ётишидан афзалроқдир.

Бошқа бир шеърда шоир ўз қарилigidан шикоят
қилади:

Қариллик туфайли сенинг дадилликларинг бўшашди, лекин
улар учун [ҳали] бўшашиш ҳуқуқи берилмаган эди.

Қариган чоғингда жонингдан тўйинг, [энди] жон сеники
эмас, сен уники эмассан.

Агар нафсинг орзу-ҳаваслари эсланадиган бўлса, [энди] сен
хоҳлаган нарсангни у истаманди.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Али ал-Форисий

Шоирнинг нисбаси унинг Эроннинг Форс вилоятидан
эканлигига ишорадир. Ас-Саолибий маълумотларига қа-
раганда, ал-Форисий тил ва грамматика фани соҳасида
машҳур олим бўлган. Бухорога келиб юқори табақа бо-
лаларига дарс берган. Кейин ёзишмалар девонида котиб-
лик лавозимига тайинланиб, умрининг охиригача шў ва-
зифани ўтаган. Еқут Ҳамавий ҳам ўзининг «Муъжам ал-
удабо» номли китобида ал-Форисийни эслаб, унинг «Ки-
тоб шарҳ ал-Жармий» («Ал-Жармий китобининг шарҳи»)
номли ва бошқа бир қанча асарлар муаллифи бўлган-
нини айтади. Кейин Еқут Ҳамавий: «У наср ва наъзда
машҳур киши эди. Шеърлар ёзар, [асарларга] қўшар ва
шарҳлар, аруз, қофия, риторика ва [шоир] ал-Мутанаб-
бий ижодидаги етишмовчиликлар ҳақида баҳслашарди»,
дейди. Ал-Форисий номли «Бугайт ал-вуот» номли китоб-
да ҳам эслатиб ўтилган. Лекин унинг асарлари бизгача
етиб келмаган, фақат бир қасиладан олинган бир неча
байт шеъригина сақланиб қолган, холос. Бу парчада
шоир Бухородаги қандайдир бир давлат арбобига му-
рожаат қилиб, қишнинг қаттиқ совуғидан сақланиш
учун бир жубба ҳадя қилишини илтимос қилади. Демак,
бу ал-Форисийнинг моддий аҳволи анча танг бўлганлиги-
дан дарак беради. Шеър васфий характерга эга бўлиб,
шоир бунда жуда чиройли тавсиф усулларидан фойда-
ланган:

Кишнинг оёқ-қўлини боғлаб ташлайдиган бир жубба

[ҳадя қилиб] мени кишнинг совуғидан сақла!

Сис [шаҳри]нинг оқ [жуббаси] бўлсин, у менга ҳасад қилувчи-
ларнинг оқарган рангини қорайтириб юборсин.

Ҳали ҳеч ким киймаган [бўлсин]. Ахир ҳайру саҳоватда

сенинг кафтинг энг тоза нарсани ҳады қилувчи
ва ёмон [нарсани] ташлаб юборувчи-ку.
У [жубба] кўзларни қамаштирувчи, муҳаббатда юрак
ва кўзни мафтун этувчи [бўлсин].
Югургандаги қалб ҳарорати каби иссиқ, ёш қизлар
яноқлари каби юмшоқ бўлсин!».

БОШҚА ҚАСБДАГИ ШОИРЛАР

Абу Таййиб ат-Тоҳирӣ

«Итимаат ад-дахр»даги маълумотлар билан бир қаторда ат-Тоҳирӣнинг Бухоро ҳақида ҳажвияси Ёқутнинг «Муъжам ал-булдон» китобига ҳам киритилган.

Абу Таййиб ибн Муҳаммад ат-Тоҳирӣ Хуросонда эллик икки йил (821—873) ҳукмронлик қилган ва саффариёлар сулоласининг асосчиси Ёқуб ибн Лайс томонидан инқирозга учратилган тоҳирӣлар хонадони вакиллари-дандир.

Ас-Саолибий сўзи билан айтганда, ат-Тоҳирӣ Хуросоннинг кучли шоирларидан бири, замонасининг фаросатли ва фозил кишиси бўлиб, насл-насаб, шон-шуҳрат ва адблик маҳоратини ўзида мужассамлантирган эди.

Абу Таййиб Нишопурда туғилган ва ёшлигида оила аъзолари билан бирга Бухорога кўчиб келган бўлиши керак. Шоир бу ерда ота-боболарига тегишли бўлган ва катта даромад келтирган мол-мулкларни қайтариб олишга муяссар бўлади ва бу бойлик билан осойишта ҳаёт кечиради. Кўринишда сомонийларга хизмат қилгандек туюлса ҳам, яширинча уларга қарши ҳажвий шеърлар ёзади, бу давлатнинг инқирозга учрашига хайрихоҳлик билдиради, чунки ота-бобосининг подшолиги шулар қўлида эди. Қаерда имкон топса, шу ерда сомонийларни қоралайди, вазир ва бошқа давлат арбобларини ҳажв билан шарманда қилади, сомоний амирларининг қароргоҳи бўлган Бухорони ҳажв қилиб шеърлар ёзади. Ат-Тоҳирӣнинг бу қилмишлари ҳақида яширин назоратчи раиси бир неча марта амир Аҳмад ибн Исмоил (907—914) ва Наср ибн Аҳмадга (914—943) ахборот беради. Амирлар кескин ҳажвлари туфайли шоирни ёқтирмасалар ҳам, насл-насаби ва адабий шуҳратини ҳурмат қилиб уни таъқиб қилишга журъат этолмасдилар. Шунга қарамай, бир куни Абу Таййиб амир Наср ибн Аҳмад

ҳузурига даъват этилади. Амир уни яхши қарши олади, узоқ вақт суҳбатлашгандан кейин: «Эй Абу Таййиб, қачонгача ўз нонингни кишиларнинг гўшти билан қўшиб ейсан?» деб гап отади. Шоир бундай муомаладан хижолат тортиб ўршидан туради ва индамай чиқиб кетади. Шундан кейин у сарой билан ҳар қандай алоқани узади ва бундан сўнг амирни ҳақорат қилувчи шеър ёзмайди.

Ат-Тоҳирий сатирик шоир бўлиб, унинг ижодида ҳажвий шеърлар асосий ўринни эгаллайди. Шоирнинг ҳажв ўқидан ҳеч ким: на амир, на вазир ва на бошқа мансабдорлар омон қолмаган. Ас-Саолибий «Унинг тили шон-шуҳрат қайчиси эди, оғзидан чиққан сўзларидан қон томиб турарди, ундан ўз жони воз кечган эди», деб ёзади.

Уша давр форс-тожик поэзиясида амирга қарши ёзилган ҳажвий шеърларни учратмаймиз. Араб тилида ижод этган шоирлардан фақат Абу Таййиб ат-Тоҳирийгина амирларни ҳажв қилишга журъат қила олган. Унинг Аҳмад ибн Исмоил ва Наср ибн Аҳмадларга қарата ёзган ҳажвияларидан парчалар сақланиб қолган. Наср ибн Аҳмад ҳақида шундай ёзади:

Одамлар орасида бордир яхши бир одат:
Охири аввалига ўхшар, ёзилса бир хат.
Зафар-ла бошланмишди, кошки бир яксон ўлса,
Зафар саналур эрди, тугаганда бу давлат.

Мана бу мисралар вазир Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳонийга қарши қаратилган:

Кўрсатмадинг сен менга канча жабр жабрлар,
Алам-ситамларингга чидаб тутдим яқолар
Телбаларинг одати, таъна, ҳақорат айлаш,
Шунинг учун этмадим бу ишингга парволар.

Шоир диний ақидаларга ҳам бефарқ қараган. Унинг ром³¹ байрами муносабати билан ўз биродарларига ёзган икки байт шеъри бунга мисол бўла олади. Бунда ат-Тоҳирий намоз ўқишдан эрталабки кайфни афзал кўради:

Бугун ром байрами кун эрталаб мен ва муаззин
икки хил гапираммиз.
У «ҳайи алас салат»³² деб қичқирганда, мен
эрталаб кайф қилиб ўтириб: «бу алдамчилик» дейман.

³¹ Ром — қадимги Эронда кузги кеча-кундуз баробарлигида ўтказиладиган байрам. Бунини меҳржон ҳам деб атаганлар.

³² «Намозга шошилинг!».

Абу Мансур ат-Тоҳирӣ

Абу Мансурунинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. «Ат-Тоҳирӣ» нисбаси бу шоирнинг ҳам тоҳирӣлар авлодидан эканидан ва Бухорога келиб қолганидан гувоҳлик беради. Аммо Бухорода у қандай иш билан шуғуллангани бизга маълум эмас.

Абу Мансур ёшлик вақтида ота-онадан етим қолиб, ўз ҳаётини ёлғизликда ўтказган бўлса керак. «Ёатимат ад-даҳр»га киритилган мисраларнинг деярли ҳаммаси жудолик ва яккаликка бағишланган. Масалан:

Тўкиб кўз ёши йиғларман, жудоман ота-онамдан,
Мусибатларни кўп кўрдим, букилди бу белим ғамдан.
Қаю одам чидаб келса бу икки ғам азобиға,
Ўтиб кетгай у оҳиста ҳамма қайғу дард-аламдан.
Ўз жонимдан жудо бўлмай тағин деб ваҳмага тушдим,
Ва лекин илдизи йўқ шоҳ на кўргай ушбу оламдан?

Ёшликнинг ўтиб кетиши ва оиладан айрилишни ҳам шоир энг оғир мусибат деб ҳисоблайди:

Икки нарса бор унга бўлса гар шер мубтало,
Ҳасратидан горида ўларди етиб қаза:
Бири тенгсиз бебаҳо ёшлик ўтиб кетиши,
Сўнг оила, фарзанддан бевақт жудолик иши.

Абул Ҳусайн Муҳаммад ал-Муродий

Абул Ҳусайн ал-Муродий замонасининг энг машҳур ва фозил кишиларидан бўлиб, тожик адабиётининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг яқин дўсти ва суҳбатдоши бўлган. Унинг номи тожик адабиёти тарихига бағишланган деярли ҳамма асарларда тилга олинса-да, у асарлар муаллифлари бутунлай «Ёатимат ад-даҳр»га асосланадилар.

Ал-Муродийнинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. У X асрнинг 20-йилларида кучли шоир сифатида танилади. Бунга унинг 921—922 йилларда ўлган ҳарбий қўмондон ас-Суълукийга қарши ёзган ҳажвияси далолат беради.

Абул Ҳусайн асосан Бухорода ҳаёт кечиради, аммо қандай касб билан шуғуллангани номаълум. У Рудакий ва ал-Мусъабий каби машҳур шоирлар билан яқин муносабатда бўлган.

Ас-Саолибийнинг ҳикоя қилишича, ал-Муродий номаълум сабаб билан Бухородан Нишопурга боради. У

ернинг ҳокимлари шоирга жуда қўпол муомала қиладилар. Бу ал-Муродий томонидан Нишопурни танқид қилиб бир неча ҳажвий шеърларнинг ёзилишига сабаб бўлди. Масалан, бир шеърда шоир шундай ёзади:

Гар бўлмаса яқиндан султон билан алоқанг
Тўхтама Нишопурда бир мусофир ҳолида.
На фойдали одобу, на орзулик фазилат,
Варна инсонга ҳурмат йўқтир бу шаҳр аҳлида.

Ал-Муродий ҳаётининг охириги дамлари тўғрисида қуйидаги эпизод сақланиб қолган. Шоир ўлим тўшагида ётганда, вазир Абу Али ал-Жайҳоний унга кафанлик юборади. Ал-Муродий кўзини очиб, шу икки байтни ўқийди:

Жайҳон авлодларнинг саҳийлиги беқиёс,
Тирик-ўликлигимда бергани менга либос.
Саҳоватин куйларман охир замон келгунча,
Дастлаб берди бир чопон, сўнгиси кафан, холос.

Бу мисралар бизга шоирнинг вафот этган йилини тахминан аниқлаш имконини беради (Юқорида Абу Али ал-Жайҳонийнинг 942 йилда ўлгани эслатиб ўтилган эди). Демак, ал-Муродий ундан олдин 940—942 йилларда, яъни ал-Жайҳоний вазирлиги даврида вафот этган бўлиши керак.

Ал-Муродий вафоти унинг дўсти ва суҳбатдоши Рудакийга қаттиқ таъсир қилди. У шоирнинг ўлими муносабати билан машҳур марсия ёзди. Марсия 24 байтдан иборат бўлиб, ал-Муродийнинг ўз замондошлари бўлмиш шоирлар орасида ва ўша давр адабий муҳитида қандай муҳим роль ўйнаганини тасвирлаб берувчи асосий манбадир. Бу марсия Эрон адабиётшуноси Саид Нафисийнинг (1897 йилда тугилган) «Аҳволи ва ашъори Абу Абдуллоҳ Рудакий Самарқандий» («Абу Абдуллоҳ Рудакий Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди») номли машҳур асари ва 1958 йилда Тожикистонда нашр этилган «Осори Рудакий» номли китобга киритилган. Ундан бир парча келтирамиз:

Гард эмаски, у осмонга учиб кетса,
Сув эмаски, у музлаб қотиб қолса,
Тароқ эмаски, у соч тараганда сишиб кетса,
Дон эмаски, у ер остида йўқ бўлиб кетса.—
У бу дунёда олтин тўла хазина эди.

Буюк Рудакий қўли билан ёзилган бу марсияда ал-Муродийга юксак баҳо берилади.

Ал-Муродий икки тилда (араб ва тожик тилида) ижод этган («зуллисонайн») шоир эди. Ас-Саолибий маълумотларига қараганда, у жуда кўп шеърлар ёзган ва уларни тўплаб девон тузган. Афсуски, бизгача унинг шеърини тўплами етиб келмаган. Фақат 27 байтдан иборат араб тилидаги шеърлари ва икки байт тожик тилида ёзилган шеъри сақланиб қолган, холос.

Булардан ташқари шоирнинг амирга багишланган мадҳиялари ва давлат арбобларига қарши қаратилган ҳажвий шеърларидан парчалар ҳам бор.

Юқорида лашкар боши ас-Суълукийни танқид қилиб ёзилган ҳажвини эслатиб ўтган эдик. Ал-Муродий нима учун ас-Суълукийни тириклигида эмас, ўлгандан кейин ҳажв қилганини айтиш қийин. Ҳар ҳолда шоир бундай кучли кишини унинг ҳаётлигида танқид қилишга журъат этолмаган бўлса керак. Парчанинг таржимаси:

Қабиҳ аблаҳ ҳалок бўлмиш ўлимга мустаҳиқ эрдн.
Ўлим ҳеч бир хато қилмас, олиб янглиш туғилганин.

Ал-Муродий май ичишга нисбатан салбий муносабатда бўлган. Қуйидаги муболаға билан ёзилган парчада у бир майпараст устидан кулади:

«Худди сўфитўргай [сўв] ичгандай ичаётган [ана-
ви] текинхўр сизларга хуш келадими?
Агар ёнидаги саночнинг [оғзи боғланган] ипга кўзи
тушса, шунга ҳам маст бўлади»

Абул Фазл ас-Суккарий ал-Марвазий

Ас-Суккарий асли марвлик бўлиб, ўз даврининг машҳур шоирларидан бири бўлган. Биз унинг таржимаи ҳолига онд маълумотларга эга эмасмиз. Ас-Саолибий бу шоирнинг шеърлари ҳикматли сўз ва мақолларга бой бўлганини ёзади. Унинг лақаби нима учун «ас-Суккарий» («шақарли») экани маълум эмас.

Ал-Марвазий кўпроқ халқ ҳаёти ва халқ оғзаки ижоди билан қизиқиши сабабли ўз замондошлари орасида ажралиб туради. Унинг бир маснавийси диққатга сазовордир. Унда шоир тожик халқ мақолларини араб тилига таржима қилган. Бу мақолларнинг кўпчилиги ёки уларнинг айрим вариантлари ҳозир ҳам Ўрта Осиё ва Эрон халқлари орасида кенг қўлланади. Маснавий таржимасини келтирамиз:

Кимки қуёшни жаҳл билан бекитмоқчи бўлса,
хато қилади.

Қуёшни чойшаб билан ёлиб бўлмайди³³.

Кечанинг энг яхши сифати шуки,

«Кеча ҳомиладор, [аммо] нима тугишини билмайди»³⁴.

«Қийин бўёқчи қўлида гаровдир».

Туя ҳашаротларни ёқтирмайди, аммо туя тирик экан, улар [бари бир] унинг бурнида [яшай-веради].

Эшак балчиққа юмалаб [истаган] нарчасига эришди ва меҳнатдан халос бўлди.

Биз қадимги шартлашган шартларда турамиз:

«Гиртилган саноч ҳам, йиқилган карвон ҳам бўлмайди».

Эчки фақат овқат билан семиради,

«Эчки мулоийм гап билан семирмайди».

«Денгиз суви тошиб ётганини кўриб турса ҳам, ит ундап тили билан ичади»³⁵.

Менинг насиҳатларимга шубҳаланма, сенга «мушукни қопга солиб сотаётганим йўқ»³⁶.

Қимнинг уйида таомни бўлмаса, унинг одамлар орасида ҳурмати бўлмайди.

Айтишларича: «кимки таклиф қилинмай дастурхонга келса у ўзини камситган бўлади».

Абу Аҳмад ал-Бўшанжий

Ал-Бўшанжийнинг ҳам бир неча байтигина бизгача етиб келган. «У Бўшанж³⁷ шаҳридан чиққан машҳур шоирлардан эди. Шеърлари девонга тўпланган ва [мамлакатни] кезиб юрарди. Менга маълум бўлишича, Абу Аҳмаднинг «Хоня» [номли] шеърини ас-Соҳиб³⁸ ёддан билар, бу [шеър]нинг гўзаллиги ва афзаллигига таажжубланарди»,— деб ёзади ас-Саолибий. «Хоня» (яъни охири «х» билан тугалланадиган) қасидасидан олинган парчада ал-Бўшанжий ўз қарилигидан шикоят қилади, лекин қариликнинг ҳамма мусибатларига бардош бераётганини таъкидлайди. «Юрак орзу-ҳаваслари кўкракда ошпаз қозонидаги овқат каби қайнаб турса-ю, қандай қилиб буни қарилик дейиш мумкин?» Ал-Бўшанжийнинг

³³ «Ойни этак билан ёлиб бўлмайди»,— деган мақол билан солиштиринг.

³⁴ Яъни эрталаб нима бўлишини билмайди.

³⁵ Денгиз суви туганмас бўлса ҳам, ит хаселик қилиб ундап тили билан ичади.

³⁶ Яъни сени алдаб мушукни қопга солиб сотаётганим йўқ.

³⁷ *Бўшанж* — Хиротдан 7 тош нарида жойлашган шаҳар бўлиб, ҳозир харобага айланган.

³⁸ Ас-Соҳиб Абул Қосим Исмоил ибн Аббод (936—995) — бувайҳийларнинг Райдаги машҳур вазири, шоир ва олимлар ҳомийси.

қуйидаги мисралари деярли афоризмларга ўхшаб кетган:

Инсон учун саналур энг катта бахт,
Мевасин еса ўзи экиб дарахт.
Кўрса ўз фарзандининг хизматини,
Ашъорининг куйланиши лаззатини.
Баъзига бу уч бахт учун бор сулук,
Лек халақит бергувчидир кексалик.

Шоир қанчалик талантли ва қобилиятли бўлмасин жуда оғир ҳаёт кечирган бўлса керак, у ўз шеърларида қашшоқлигидан шикоят қилади. Қамбағал ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларни енга олади, ammo ўз қашшоқлиги билан курашишга ожиздир, деб ёзади у:

Қанча заҳмат дафъига бел боғладим,
Ғолиб ўлиб бахтга ўзим чоғладим.
Бул фақирлик бирла бўлган катта жанг,
Этди чун расво мени, ҳолимни танг.
Яширсам ҳалок қилгай, этсам ошкор —
Дўст-душман наздида бўлгум шармисор.
Раиғу рўйим кўрсангиз мотамсаро,
Бўлди ҳамроҳим менинг бахти қаро.

Абул Ҳасан Али ал-Лаҳҳом ал-Ҳарроний

Бухоронинг араб тилида ижод этган шоирлари орасида энг машҳури сатирик шоир Абул Ҳасан ал-Лаҳҳомдир. Ас-Саолибий тазкирасида ал-Лаҳҳом учун анча ўрни берилган бўлса ҳам, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумот йўқ.

Ал-Лаҳҳом сомонийлар амири Нух ибн Наср (943—954) замонида араб халифалигининг марказидан Бухорога келиб қолади ва амир Мансур ибн Нух (961—976) подшолигининг охиригача, яъни ўттиз йилга яқин бу ерда яшайди. Ал-Ҳарроний нисбаси шоирнинг суриялик эканидан далолат беради, чунки Сурияда ва Месопотамияда Ҳаррон номли жой бор. «Ал-Лаҳҳом» («қассоб») лақаби эса ўзи ёки унинг отаси қассоб бўлганига ишора қилади.

Ал-Лаҳҳом ўз замонининг машҳур сатирик шоири эди. Шоирнинг баъзи бир шеърларидан маълум бўлишича, у Хоразм ва Термизда ҳам бўлган. Вазирларга қарши ёзган ҳажвий шеърлари туфайли Буст шаҳрига сургун ҳам қилинган.

Шоир ҳақида ас-Саолибий шундай ёзади: «У одамлар орасида шайтон, дўстлари орасида раиҳон эди...

Доимо амалдорларни ҳажв қилар, камдап-кам мақтарди. Ақли расо, суҳбати ёқимли, бадиҳа шеър айтишда ҳозиржавоб, номи машҳур, шеърингда сеҳргар, тили заҳар, аския ва ҳазил гапларга бой бўлиб, огзидан доимо ўткир сўзлар отилиб турарди. Унинг ҳажвидан бирорта ҳукмдор, вазир ва амалдор омон қолмаган. У фақат юқори мансабдаги кишиларинггина ҳажв қиларди».

Ал-Лаҳҳом, айниқса машҳур вазир Абу Али ал-Бальямийни (960–974) тинимсиз ҳажв қилади. Натнжада, шоир устидан амирга шикоятлар ёғила бошлайди. Амир шоирнинг терисини шилиш ва пойгахтнн унинг «қобиҳ сўзлари»дан тозалаш ҳақида фармон беради. Ал-Лаҳҳом Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлади ва Нишопур томон йўл олади. Шоирни илгарироқ ўлдирмаганига пушаймон қилган ал-Бальямий унинг орқасидан Нишопур ҳокими Абул Ҳасан ибн Симжурга мактуб юбориб, ал-Лаҳҳомни кузатиб бориш ва унинг ишларидан воқиф бўлиб туриш ҳақида буйруқ беради. Шоир Нишопур хони Вашингир уйида тўхтаган эди. Қасалга чалиниб, бошини кўтаришга ҳам мажולי қолмаганди. Қотиллар ўз мақсадларига эриша олмасданоқ, шоир 974 йилдан олдин, яъни ал-Бальямий вазирлиги даврида вафот этди.

Ас-Саолибий тазкирасига ал-Лаҳҳомнинг 175 байт шеъри киритилган. Унинг ижодида сатира асосий ўринни эгаллайди. Бухоронинг X асрда араб ва тожик тилида ижод этган шоирларининг ҳеч бири сатира жанрида ал-Лаҳҳом билан тенглаша олмайди. Француз арабшунос олими Барбье де Менар уни «Сомониёлар даврида Мовароуннаҳрдан чиққан Ювенал»³⁹ деб атаган эди.

Ал-Лаҳҳомнинг ҳажвий шеърлари асосан ўзига замондош бўлган айрим шоирлар ва давлат арбобларига қарши қаратилгандир. Шоирлар орасида унинг энг ёмон кўрган кишилари Ибн ал-Аббос ва Абу Муҳаммад ал-Матроний эди. У ҳажвий шеърларида аз-Завзаний, Абу Али ал-Масиҳий, аш-Шиблий каби шоирлар устидан ҳам кулади. Айниқса, шоир билан ал-Матроний ўртасида шеърини рақобат жуда кучли бўлган. Ал-Лаҳҳом ўзининг бир ҳажвиясида ал-Матронийни «арзимаган бир шошлик»⁴⁰ деб атаса, ал-Матроний уни «арзимаган бир қассоб» деб атайди.

³⁹ Ювенал (60 йилларда туғилиб, 127 йилдан кейин ўлган). Қадимги Римнинг машҳур сатирик шоири.

⁴⁰ Ал-Матроний ҳақида маълумот берилади.

Шоирнинг кўпчилиги ҳажвий шеърлари сомоний вазирларига қарши қаратилган. Нуҳ ибн Наср амирлиги даврида вазирлик қилган кишиларнинг бирортаси ҳам ал-Лаҳҳом ҳажвиясидан қочиб қутулолмаган. Шоир уларни аёвсиз ва аччиқ сўзлар билан ҳажв қилиб, улар устидан кулади.

Вазир ибн Узайр ҳақида:

«Муҳаммад ибн Узайр таомни шундайки, у бузилган меъдани тузатади:

Буқротнинг гиёҳи ва у билан қўшилган оддий дорилари,

Келган кишилар ададига қараб майда [ушатишга]

озгина юмалоқ нон,

[Майда] нонлар ҳам кишилар сонига қараб

[бурдаланган], бир лўқма ҳам ортиқча [нон]

кўрмайсан.

Бу [одам] юртига қадам қўйган ёшлар учун энг фойдали [иш] рўза тутиш деб ўйлайман».

Абул Фазл ал-Қошоний исмли бир давлат арбоби жуда ҳашаматли уй қуради ва мағрурланиб, уйни кўрсатиш учун ал-Лаҳҳомни олиб боради. У шоирдан мақтов ва офаринлар эшитишни кутган эди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқади. Ал-Лаҳҳом шу заҳотиёқ қуйидаги шеърни айтади:

Қачон кўраман бунда бойўғли сайрашини,
Хотин-халажнинг додин, йиғисин-хунграшини
Қачон мотам тугилгай, тентак чолга бу уйда,
Одамсиз, бўш кўрарман уйнинг ичи-тошини?

Вазир Абу Али ал-Балъамий ҳақида:

«Ал-Балъамий вазирлиги тўптарилиши, ўзи эса харобаликда [осилиб] турган кулф каби [қолиши керак].

Вазирлигида у ҳокимлар, мулозимлар ва котиблар ҳурматини риоя қилмади.

Унинг вазирлиги ҳамма олижанобликлар юзини тўптарди [ерга қаратди], қачон вазирликнинг [ўзини] тўптарилганини кўрасан?

У ўзининг айёрлиги туфайли боши дорга осилишга энг муносиб бўлган кишидир».

Ал-Лаҳҳом ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бу вазирга қарши аччиқ ҳажвлар ёзишдан ҳам қўрқмади. У юқори табақа кишиларини аёвсиз ҳажв қилгани туфайли моддий томондан ҳам қийин аҳволда яшаган. Баъзи шеърларида шоир қашшоқлиги ва ҳаётининг оғирлигидан шикоят қилади:

* Уч кун бўлди ноним йўк, ўхшаб қолдим меровга.
Жўлдир чопондин ўзга нарсам йўқдир гаровга⁴¹.

Абу Муҳаммад Ҳасан ал-Матроний

Ал-Матроний Х асрда Шош (Тошкент) шаҳрида яшаган ва у ҳақда бизгача айрим маълумотлар сақланиб қолган ягона шоирдир. Ас-Саолибий ўз таъкирасида шундай ёзади: «У Шошдан [Тошкентдан] чиққан шоир, у жойнинг шон-шухрати ва ягона кишисидир... Шошдан ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан бу каби шоир етишиб чиққан эмас. Ибн Матрон саҳоватли ва гўзал мартаба эгаси эди, марказга [Бухорога] мақтовлар билан келар ва яхши инъомлар билан қайтиб кетарди. У алоқа ходими вазифасини ўтаб, шу иши билан қаноатланар ва ўз тирикчилигини ўтказар эди. Унинг шеърлари девонга тўпланган бўлиб, улар латиф сўзларга бойдир... У ўз шеърлари билан [кишини] қандай завқлантирса, насрий асарлари билан ҳам шундай завқлантирар эди. Узининг жиддийлиги билан қандай хурсанд қилса, ҳазиллари билан ҳам шундай хурсанд қиларди. Уни [шоир] ал-Лаҳҳом ўзининг бир қанча сатираларида ҳажв қилади. Бу икки шоир ўртасида шеърий тортишув тўхтовсиз давом этади. Улар бир-бирларини ҳажв қилар ва айблар эдилар, бир-бирлари билан сулҳ тузишга ҳеч яқинлашмас эдилар. Ал-Лаҳҳом ҳажвийят бобида ундан устун келса ҳам, бошқа жанрларда унга тенглаша олмас эди».

Ас-Саолибий келтирган бу маълумотлардан ташқари шоир ҳақида ҳеч қандай биографик материалга эга эмасмиз. Шоирнинг туғилган ва ўлган йиллари ҳам маълум эмас. Унинг баъзи бир шеърларига асосланиб, қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Ал-Матронийнинг Бухорода бўлиб ўтган бир қаҳатчилик даврида ёзилган шеъри бор. Қаҳатчилик ва очарчилик Ибн ал-Асирнинг «Қомил фи-т-торих» китобида ёзилишича, 945—946 ва 959—960 йилларда бўлган. Демак, ал-Матроний ўз шеърини 945 ёки 960 йилларда ёзган ва шу йиллари Бухорода бўлган. Унинг вазир Абу Али ал-Балъамийга бағишлаб ёзган қасидаси эса шоирнинг 960—974 йилларда Бухорога келиб кетиб турган

⁴¹ Бу шоир ҳақида мукамалроқ маълумот «Абул Ҳасан ал-Лаҳҳом — Бухарский поэт — сатирик» (Научные работы и сообщения, кн. 4, Ташкент, 1961) номли мақолада берилган.

нини кўрсатади. Шундай қилиб, ал-Матроний X аср ўрталарида яшаб ижод этган ва 970—980 йиллар атрофида вафот этган бўлиши керак.

Ас-Саолибий шоир шеърларининг девонга тўплангани ва ҳатто, Бухородан ташқарида ҳам машҳур бўлганини айтади, лекин ал-Матронийнинг на девони ва на бирорта шеъри тўлиқ ҳолда бизгача етиб келмаган. Унинг фақат 112 байтдан иборат турли шеърини парчаларигина сақланиб қолган, холос. Булар қасида, ҳажв ва турли темалардаги васфий ҳамда ишқий шеърлардан олинган парчалардир.

Уша давр шоирлари учун қарилик энг оғир мусибат эди. Шоир қариганда ёш ҳамкасблари билан рақобат қилолмайди, жисмоий меҳнатга ҳам ярамайди ва ҳеч қаердан моддий ёрдам олмайди. Шунинг учун қариликдан шикоят Шарқ поэзиясида энг кўп тарқалган темалардан бири ҳисобланади.

Ал-Матроний вазир ал-Балъамийга бағишлаган қасидасида ёшлигининг ўтиб кетгани ва қарилигидан шикоят қилиб шундай ёзади:

«Бошимда қариликдан хабар берувчи оқ мўйлар пайдо бўлди ва ҳаётимдаги гуллаган ёшлик ўтиб кетди. Мўйсафидликнинг эрта тонги шуъласи [оқ соч] ёшлигим қарғаларига [қора сочга] учиб кетиш жойи бўлиб қолди.

Бу худди эрта тонг шуъласи порлаганда, қора қўшлар ўз уясини ташлаб кетишига ўхшаш нарсалар.

Бу соч оқининг кўриниши нурли бўлса ҳам, у қарилик бўлгани учун келтирадиган хабари зулматдир.

Илгари унинг [сочининг] қораси кўзпи равшан қилар ва дилга даво бўлар эди.

Ажабки, қора ранг нур сочиб туради, оқ ранг эса нур сочишдан бош тортади.

Кўзлари оғриқдан қизариб қолган гўзаллар икки чеккамдан осилиб тушиб турган нурга назар ташласалар, тўсатдан қарилик нурига рўбарў бўладилар ва бу нурни [табиий] нур гумон қиладилар.

Улар табиий рангга дуч келсалар, бу қалбаки рангдан мажбуран юз ўгирадилар».

Сомонийлар даврида Бухорода араб тилида ёзилган шеърлар ичида муҳаббат темасида ёзилганларини кам учратамиз. Ал-Матроний эса муҳаббат ҳақида ёзган асарлари билан ўз замондошларидан ажралиб туради. X асрда газал ҳали мустақил жанр сифатида шакллани-

маган эди. Ишқий шеърлар фақат қасидаларнинг киниш қисмигагина киритилар эди. Ал-Матронийдан сақланиб қолган ишқий шеърлар ҳам қасидалардан парчалардир. Шоир ишқий шеърларида жуда чиройли сўз ўйинлари ишлатади, ўринли ўхшатишлар қўллайди.

Чунончи:

«Ошиқ уйқусизлиги туфайли кечани узуп деб фараз қилади, кеча эса ўзининг маътум меъёрдаги узунлигида ҳаракат этади. [Маъшуқадан] жудоликда ўтган муҳаббат кечаси бир йилга тенгдир, аммо [маҳбубга] етишганда унинг қисқалиги бир мудрашга тенг».

* * *

«У шундай хипчаки, унинг ярми бон дарахти наводаси каби ингичка, қолган ярми эса тўла сағр ва гўштли сондир. У мулоймаликни, [чиройли] рангни, келишган қомат, [кишини] ҳалок этувчи қараш ва ўқ бўлиб отилувчи найзани эслатади».

* * *

*

«Ваҳший буғулар ўзини унга қурбон қилган ва одамлар орасидаги чиққан бир кийик менинг танамни қуритди ва узоқ вақт даволашдан бош тортди. [Агар] у кийик боласи қора кўзлари билан менига назар ташласа, менинг қалбим қорачиғида ўтлаб юради. Ешлик унда гўзаллик ўтини ёқиб туради, бу ўт эса чирой шуъласи билан баробардир».

Ал-Матроний хажвия жанрида ҳам моҳир шоирлардан бири бўлган. Унинг ҳажвий шеърлари энг аввал ўз замондошлари — қаламкашларга қарши қаратилган.

Унинг ўз замондошлари каби амир ва вазирларга қарши хажвия ёзгани маълум эмас. Аммо қандайдир Абу Ҳотим Муҳаммад ат-Тусий номли бир амалдорга қарши қаратилган ҳажвий шеърдан парча сақланиб қолган:

«Абу Ҳотим ўз вақтини ишга эмас, балки ишдан-ишга ўтишга сарфлайди. Агар у бир ерда тўхтаса, у ердан жилиши яқин туради. Биров: у бир ерда тўхтади деса,

унинг йўлга тушишини кутавер.

У шундай бир йигитки, кечани ҳеч вақт қорни тўқ қолда ўтказмайди ва ўз нонини сиркага ботирмаса емайди.

У ҳамма ишни осон деб санайди, аммо [ҳеч] бирининг уддасидан чиқмайди.

Унинг тadbирлари эса кучли ва бош эгмайдиган ҳоким бўлишидан далолат беради».

Шоир ҳажвияларида баъзан очкўз ва бахил кишилар мазах қилинади:

Бизнинг Абу Толибнинг оғзи қорнига ўхшар.
Ҳазми оғзида, ютмас неники бўлса чайнар.

Ал-Матронийнинг васфий шеърлари ҳам диққатга сазовордир. Қуйидаги шеърда шоир наврўз байрамидан кейин тушган совуқни тасвирлайди:

«Ажабланаман озарга⁴², у озор [ойида]⁴³ келди ва [ажабланаман] фалакнинг айланishiдаги тафовутга.

Кечки ҳужум учун булутлар [осмонга] кўтарилдилар, уларнинг ёғдирган жаласи гулистонлардаги гулларни хароб қилди.

Баҳор бизга яшириниб ётган қишни ошкор қилди ва [бу қиш] дарахтларда яшириниб ётган нарсаларнинг юзага чиқишига йўл қўймади.

Қиш ўзининг ўтиб кетганига пучаймон қилиб, қолган ўчларини олиш учун, ўч олувчи сифатида қайтиб келди».

Урта асрда тез-тез бўлиб турадиган ҳосилсизлик ва бунинг натижасида юз берадиган очарчилик бошқа Шарқ халқлари билан бир қаторда Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшовчи халқлар учун ҳам оғир кулфат келтирар эди. Бу очарчиликлар меҳнаткаш халқ ва камбағал деҳқонлар оммасининг кўплаб қирилиб кетишига сабаб бўларди. Биз X аср форс-тожик адабиётида шундай кулфатларни тасвирловчи, тарихий воқеаларга бағишланган шеърларни учратмаймиз. Араб тилидаги поэзияда эса бундай асарларни учратиш мумкин. Ал-Матронийнинг қаҳатчилик йили ёзилган тарихий шеъри ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Шеър 10 байтдан иборат бўлиб, Бухорода ёзилган. Шоир бунда қаҳатчилик туфайли халқнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашганини, ҳатто ўша вақтда муҳим лавозимлардан бири — алоқа ходими бўлиб ишлаб турган ўзининг ҳам қийин

⁴² Озар — Эрон қуёш йилининг 9 ойи (22 ноябрь — 21 декабрь).

⁴³ Озор — Сурия календарининг 4 ойи (март).

аҳволга тушиб қолганини тасвирлайди. Шеърнинг охирида ал-Матроний бадавлат кишиларни сахийликка, халққа ёрдам беришга чақиради⁴⁴.

Абул Ҳасан Али аш-Шайбоний

Бу шоир таржиман ҳолига онд ҳеч қандай маълумот сақланиб қолган эмас. Иисбасиннинг кўрсатишича, у Басра шаҳрида яшаган Бану Шайбон қабиласидан бўлиб, номаълум сабаб билан Бухорога келиб қолган деб фараз қилиш мумкин. Ас-Саолибий аш-Шайбонийни одоб ва шеърят билан ўзини безатган фозил кишилардан эди деб таърифлайди.

Аш-Шайбонийдан учта шеърини парча сақланиб қолган. Бир ҳажвий парчада шоир бир амалдорни таъқил қилиб, уни мутакаббирликда айблайди:

Давлатингга керилиб, қудратингга ишонма,
Одамларга ўшқирдинг иззатингга ишонма.
Унинг жиҳозламоққа ямларсан, ер юзини —
Харобзорга айлаб, ниятингга ишонма.
Энди машаққатингни абад уйига бургин.
Дунёга уетин бўлмоқ мақсадингга ишонма.
Керил, зулмининг ўтказ ўлим етгунча сенга
Бир кун халос бўлурмиз, ҳаётингга ишонма.

Мана бу ҳажвий шеър Мансур ибн Бобақаро номли бир бойга қарата ёзилган. Шоир давлати билан мағрурланиб кетган бу кишининг адолат йўлида жазоланишида мол-мулки уни сақлаб қололмаслигини айтиб, огоҳлантиради:

Гурур бошига етган қанчалаб зотларни кўрдик биз.
Такаббур авжига миндинг, ўтиб кетдинг алардин ҳам.
Саҳар чоғи мулозимлар эшик олдида тик турса,
Келиб шому қоронғида оқиб қон бўлди ерлар нам
Талон-торож бўлиб моллар, қолурсан шум элинг ичра,
Бўлурким оқибат шундай, ким бўлса золим — муттаҳам.

Абу Наср ибн Ҳузайм ал-Ҳузаймий

Ас-Саолибий маълумотларига қараганда, ал-Ҳузаймий Абивард шаҳридан бўлиб, кўзга кўринган шоир ва адиб бўлган. У «Маҳосин аш-шеър ва аҳосин ал-маҳосин» («Шеърят гўзаллиги ва гўзаллар гўзали») аса-

⁴⁴ Ал-Матроний ҳақида тулиқроқ маълумот олиш учун «Абу Мухаммад ал-Матроний — тошкентлик шоир» («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 1, 1962) номли мақолага қаранг.

рининг муаллифидир. У кўп йиллар Бухорода амир саройида хизмат қилади ва бу шаҳар ёдгорликларини ўрганади, кейин она юрти Абивардга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшайди. Унинг шеърлари Бухоро ва Абивардда девонга тўпланган. Ал-Ҳузаймийнинг шоир Искофийга атаб ёзган мадҳияси, амир Абдулмалик (954—961) вафоти муносабати билан ёзилган марсия ва вазир Абу Али ал-Балъамийга (960—974) багишланган қасидаси 960 йилларда, яъни унинг ижоди гуллаган даврда ёзилганини кўрсатади. Бир шеърда шоир 56 ёшда эканлигини ёзади. Демак, у бундан ҳам кўпроқ яшаган. Унинг вафот этган йилини, тахминан 970—980 йиллар деб фараз қилиш мумкин.

Бизгача шоирнинг на зикр қилинган китоби ва на девони етиб келмаган. «Йатимат ад-даҳр»га киритилган айрим намуналар ал-Ҳузаймийнинг қасида, ҳажв ва васфий шеърларидан олинган парчалардир.

Уша давр поэзиясида қишлоқ хўжалиги, ер ва ерни ишлаш масалаларига багишланган шеърларини деярли учратмаймиз. Бу хусусда ал-Ҳузаймийнинг бир парча ери ҳақида ёзган шеърини эслатиб ўтиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Шоир бунда ернинг инсон ва унинг ҳаёти учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тўғри ифодалаб беради:

Парча ерим қутқарди мени дарбадарликдан,
Бировларни мадҳ этиш ҳамда барча хорликдан
Бўлди менга бошпаноҳ, оиламга меросим,
Шу туфайли халосман бойга хизматкорликдан.
Ҳар кимда бир ҳунар бор, бўлвр анга сўянчиқ,
Парча ерим бор учун узоқман ночорликдан.
Кишининг содиқ дўсти, еридан ортиқ ўлмас,
Барча фазлу каромат дўсти-ёри борликдан.
Ери-дўстинг бор ўлса, унда бўлвр хиёнат,
Аммо, бу дўст ҳолидир ҳийлаю маккорликдан.

Ал-Ҳузаймий бир шеърда ҳаётдан нолийди, ўз тақдиридан шикоят қилади. Турмуш машаққатларидан қутулиш йўлини тополмаган шоир руҳий тушқунликка учрайди. Тақдир бевафолигидан қутулиш учун уйда ўлтириб, ўз ор-номусини сақлаш ва майхўрлик билан шугулланиш керак, деган хулосага келади.

Қуйидаги мисралар шоир ҳаётидан маълумот беради:

«Ҳозирги кунгача ҳикоялар, шеърлар ва пукларини
Ўз ичига олган китобларни ўқидим.
Аммо саломатлигим туфайли табобат ҳақидаги

дафтарларга эҳтиёжим тушмади ва ularни ўқимадим.

Мана, эллик олти [ёш] ҳам етиб келиб, мени даволанишга ундай бошлади.

Энди фақат табобатга онд китобларнигина [ўқийман], холос».

Абул Ҳасан Муҳаммад ал-Ифриқий

Абул Ҳасан ал-Ифриқий замонасининг машҳур шоир ва олим кишилариандир. Ас-Саолибийдан ташқари Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар ҳақида лугат») ва Салоҳ ал-Кутубийнинг «Фавот ал-вафаёт» («Вафот этганларнинг ўтиб кетиши») асарларида ҳам бу шоир эслатиб ўтилган.

Ал-Ифриқий «Китоб аш-шеър ан-нудамо» («Сухбатдошлар шеърлари тўплами»), «Китоб ал-интисоф лил-Мутанаббий» («Ал-Мутанаббий галабалар китоби») каби асарлар муаллифидир. У табобат ва астрономия илмлари билан ҳам шугулланган. Унинг жуда катта шеърлар тўплами бўлган.

Ал-Ифриқий X асрнинг иккинчи ярмида яшаб, 1000 йиллар атрофида вафот этган бўлса керак. Чунки ас-Саолибий у билан 992 йили Бухорода учрашганини ва бу вақтда шоир жуда кексайиб қолганини эслатиб ўтади.

Ал-Ифриқийнинг илмий асарлари ва девони бизгача етиб келмаган, фақат айрим шеърларидан парчаларгина сақланиб қолган. Бу парчаларда шоир ўзининг Бухорода ниҳоятда оғир ҳаёт кечирганини тасвирлайди ва амир, вазир ҳамда бошқа амалдорларни қаттиқ ҳажв қилади, динга қарши ошқора фикрлар айтади. Қуйидаги шеърда шоир ўз хотинини, нима учун намоз ўқимадинг, дегани учун талоқ қилганини айтиб, ҳукм сураётган адолатсиз тузумдан норозилигини баён қилади. Бутун давлат арбобларини, лашкар боши ва халқ ҳисобига бойлик орттирган бошқа эксплуататор — феодалларни, ҳатто амирни ҳам фош қилиб ташлайди:

Завжам мени койирди намоз тарк этганимга,

«Гўқол кўздан, талоқсан», дедим дарҳол хонимга.

Худонинг номи бирла қасам ичгумки андоқ,

Фақир бўлиб ибодат қилмасман Раҳмонимга.

Шайх ал-Жалилу⁴⁵, Фоиқ, Тош, Бектошу ҳам Кунбош⁴⁶

⁴⁵ Шайх ал-Жалил — сомониёлар вазири Абул Хусайн ал-Утбий (977—986).

⁴⁶ Фоиқ, Тош, Бектош, Кунбош ва Наср ибн Мулик—X аср иккинчи ярмидаги лашкар бошилар.

Наср ибн Молик этсин ибодат раббонимга.
 Дунёларга кўмилган, олтинларга чўмилган,
 Соҳиби иқлим ўлган сиғинсин айтгонимга.
 Нечун намоз ўқирман, бўлмаса менда давлат,
 Манзил, улов, либослар бу йўлни тутгонимда.
 Олтин камар йўқ менда, на бир гўзал чўри, қул.
 Қарич ерим бўлмаса, шунча қон ютгонимга.
 Мунофиқлик қиларман, ибодат этсам анга,
 Бердим намозларимни ҳў айтиб ўтгонимга.
 Ким қилса менга таъна, койиса ўзи аҳмоқ.
 Айтганларим кифоя намоздан қайтгонимга.
 Ўлгунимча тангрининг ибодатин қилардим,
 Аҳволим энгил этса, қийноқ солмай жонимга.
 Фақир киши намози-ниёзи бўлмаган гап
 Таги пуч, асли ёлгон, ўхшайди битгонимга.

Ислом дини давлат ишида ҳукмрон бўлган бир даврда бундай даҳрий шеърларни ёзиш шоирдан жуда катта журъат талаб қилар эди. Шеърда тилга олинган исмлар бу асар Нуҳ ибн Мансур амирлигининг бошларида, 975—980 йилларда ёзилганидан гувоҳлик беради. Демак, шу йилларда ал-Ифриқий етук шоир бўлган.

Абу Абдуллоҳ Зарир ал-Абивардий

Бу шоирга «Натимат ад-даҳр»да жуда озгина ўрин ажратилган бўлиб, таржиман ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. У аслида авивардлик бўлиб, бошпана ахтариб Бухорога келиб қолган бўлса керак. «Зарир» кўр демақдир. Афтидан, бу шоирнинг кўзи ожизлигига ишора бўлса керак. Бу фикр М. Н. Занднинг «Х аср тожик поэзиясида таржима санъати» номли мақоласида ҳам қайд қилинган.

Зарир халқ оғзаки ижоди билан қизиқади. У бир қанча тожик мақоллари ва ҳикматли сўзларини қасида усулида арабчага таржима қилган. Улардан баъзиларини келтирамиз:

«Ғайри конуний усулда топилган [овқат] билан ифтор қилсам, рўзам рўза бўлмайди. Агар илминдан биров фойдаланмаса, [у илм эмас], жоҳиллик.
 Пора олиб йиққан молимни закотга берсам — бу икки юзламалик, «баъзан саҳийлик баҳилликдан ҳам ёмонроқдир».
 Бу худди қўшини боғидан апор ўғирлаб чиқиб, касал кўргани борган ва фазилат тамаъ қилган ўғри [иши] кабидир.
 Кўпинча бўри одамлар олдидан оч ўтиб кетса ҳам,

«у кўп егани учун [кўзлари] ёниб турибди»
дейдилар. [Солиштиринг: «Бўрлининг огзи еса ҳам,
емаса ҳам қон»]

Загизгон какликнинг юришини қиламан деб қанча
уринмасин, бари бир унинг юришини унутди ва каклик
каби юролмайди.

Бўри ҳар бир ов қилганда қарғанинг гамини ейди,
аммо қарға хурмо шохларида ов қилганда [бўри гамини]
еёлмайди».

Абу Муҳаммад ибн Абу Сиёб

Ас-Саолибий ўз китобида Ибн Абу Сиёбни бувай-
хийларнинг Рай шаҳридаги вазири, шоир ва олимлар
ҳомийси машҳур Ибн ал-Амиднинг суҳбатдошларидан
бири бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Ибн ал-
Амид ҳам машҳур шоир ва олимлардан бўлиб, у ўз са-
ройига араб халифалигининг турли томонларидан бош
пана кидириб келган кўнгиша шоир ва олимларни тўп-
лаган эди. Ибн Абу Сиёб ҳам шу саройда хизмат қилиб,
Ибн ал-Амидга ўзининг бир қанча қасидаларини ба-
ғишлайди. Кейинчалик номаълум сабаб билан Ибн ал-
Амид саройини ташлаб Бухорога келади. Шоир бу ерда
яхши кутиб олинади. Лекин унинг Бухорода қандай ва-
зифани ўтагани маълум эмас. Шоир Абу Жаъфар ибн
ал-Аббос билан унинг ўртасида кучли рақобат бўлган,
Улар бир-бирларини ҳажв қилиб жуда кўп ҳажвий
шеърлар ёзганлар. Масалан, Ибн Абу Сиёб ўзининг
«Натимат ад-дахр» асарига киритилган иккита ҳажвий
шеърда рақибини ҳақоратли сўзлар билан танқид қи-
лади.

Умуман. Ибн Абу Сиёб панегирист шоирдир. Лекин
у васфий шеърлар ёзишда ҳам жуда моҳир бўлган.
Унинг шам ҳақидаги васфи «Натимат ад-дахр»га ки-
ритилган энг нафис ва кучли васфий шеърлардан бири
ҳисобланади. Шоир жуда чиройли ўхшатиш ва мажоз-
лардан фойдаланган:

«Бамбуқ танаси каби эшилган ва ялонгоч, ичи эса
киинтирилган

Унда бир кўз қорачиги бўлиб, бу унинг жонидир,
бошида бурнус⁴⁷ каби тожи ҳам бор.

Шамол у билан ўйнашганда, у ўзининг силлиқ
олтиндап [ибрат] тилчаси билан ҳаракат қилади

⁴⁷ Бурнус — тожга ўхшаш бош кийими.

Биз [унинг] оловидан бахтли бўлсак, у олов
туфайли энг бахтсиз⁴⁸.

Сенинг [маҳбубнинг] юзинг унинг ҳусни, мана бу бинафша
ва чаргиснинг [ҳусни] ўрнини
босади.

Эй уд ушлаб турган, ашулангни тезлаштир; эй сен
қадаҳ кўтариб турган, тўхтамай [айлантир].»

Абу Мансур ал-Бўшанжий

Бу шоирнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар бизгача етиб келмаган. Нисбасининг кўрсатишича, у асли бўшанжлик бўлиб, бошпана излаб Бухорога келиб қолган. Шоирнинг айрим шеърлари «Йатимат ад-даҳр» туфайли бизгача етиб келган бўлиб, улар X асрнинг иккинчи ярмида ҳокимият тепасида турган сомоний вазирлари ва бошқа амалдорларга қарши ёзилган ҳажвлардир.

X аср охирига келиб сомонийлар сулоласи секин-аста инқирозга юз тута бошлади. Турклар, айниқса, ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуқтагиннинг таъсири кучая борди. Бу ҳол ўзаро тахт учун кураш ва вазирларнинг тез алмашилиб туришига сабабчи бўлди. Абу Али ал-Балъамийнинг иккинчи вазирлигидан (992—996) кейин Абу Музаффар Баръаший (996—998) вазир бўлди. Ундан кейин вазирлик қилган Абул Қосим ал-Бармакий (998) эса бир неча ойдан кейин турклар томонидан қатл этилди. Мана бу ўзаро жанжал ва тахт учун курашларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халқ оммаси устига тушади. Халқ орасида норозилик кучаяди. Бунинг жонли гувоҳи сифатида ал-Бўшанжий ёзган ҳажвларни келтириш мумкин. Улардан айримларининг таржимасини берамиз:

Абу Али, Абу Жаъфар ва кеча ҳалок бўлган Юсуф⁴⁹,

Бу уч [зотки], улардан менга бир динор ҳам, бир
фақир ҳам фойда йўқ.

Шўнинг учун мен улардан тўпроқ остида ётгани,
ҳалокати учун қайгурмайман.

⁴⁸ Яъни олов ёнган сари шамнинг ҳаёти тугайди, демоқчи.

⁴⁹ Абу Али ал-Балъамий (960—974 ва 992—996), Абу Жаъфар ал-Утбий (956—959) ва Абу Мансур Юсуф (959—960) — вазирлар.

«Авваллари нодонлик қилиб Юсуф, ал-Балъамий ва бошқалар учун замондан нолиб юрган эканмиз. У энди бизга ал-Ғиборини юборди ва ўз қули ҳамда Узайраси учун биз билан душманлик қила бошлади. Мана у ўз Ибн Исоси ва унинг қатъияти билан, нодон Абу Зайди⁵⁰ ва унинг хулқи билан бизга ғамхўрлик қилмоқда. Биз улар даврида тақдирдан норози эдик, энди эса [қандайдир] чўлоқ ва кўрлар бизга ҳокимлик қилмоқда».

Абу Толиб Абдуссалом ал-Маъмуний

Араб халифалари авлодларидан бўлмиш икки шоир — ал-Маъмуний ва ал-Восиқийга тазкирада бутун бир боб ажратилади ва ал-Маъмуний ҳақида анча мукаммал маълумотлар келтирилади.

Бу шоир ҳақида ал-Кутубий, Ибн ал-Асир («Комил фи-т-торих»), В. В. Бартольд ва Е. Э. Бертельс асарларида қисқача ахборот берилган бўлиб, бунда улар ҳам «Назимат ад-дахр»га суянадилар.

Абу Толиб ал-Маъмуний халифа ал-Маъмун (823—833) авлодидан бўлиб, ёшлик даврида бахтсизлик ва турли ҳодисалар туфайли Бағдодни ташлаб чиқиб кетди ва Рай шаҳрига бувайҳийлар вазири, шоирлар ҳомийси Соҳиб ибн Аббод ҳузурига келади. Ибн Аббодга атаб бир неча қасидалар ёзади. Вазир унинг қобилияти ва ижодини юксак баҳолаб, шоирга яхши ҳурмат ва илтифотлар кўрсатади. Лекин кўп ўтмай вазирнинг суҳбатдошлари орасида ҳасадчилар кўпайиб, ал-Маъмунийга қарши иғво ва бўҳтонлар тарқатадилар, уни шиаликда айблайдилар ва Ибн Аббодга қарши ҳажвлар ёзган деб тухмат қиладилар. Шундай қилиб, вазир билан шоир ораси бузилади ва ал-Маъмуний Райни ташлаб Нишопурга йўл олади. Бу ердан лашкар боши Ибн Симжур воситасида Бухорога келишга муваффақ бўлади. Бухорода шоир вазир Ибн ал-Утбийга (977—986) бағишлаб бир неча мадҳиялар ёзади. Вазир уни яхши қабул қилиб, инъом ва эҳсонларга кўмиб юборади. Ибн ал-Утбийдан

⁵⁰ Абдуллоҳ ибн Узайр (986—987) — вазир; Абу Али ибн Исо ал-Домгоний (987—992) — юқорида маълумот берилган шоир ҳам вазир; Абу Аҳмад ибн Абу Зайд (987) — вазир.

кейинги вазирлар ҳам ал-Маъмунийга жуда ҳурмат билан қарайдилар, хазинадан нафақа ажратиб берадилар. Бундай ҳурмат ва илтифотлардан мамнун бўлган шоир меҳнатсиз ҳаёт кечириб, замондош бўлган сомоний вазирларга бағишлаб қасидалар тўқийди, уларни мақтаб кўкларга кўтарди. У Бухорода 994 йили вафот этади.

Ал-Маъмуний асосан икки жанрда: мадҳия ва васфда ижод этган ва замондошлари орасида бу икки жанрнинг энг йирик намояндаси ҳисобланади. У маддоҳ қасидагўйи шоир бўлса ҳам, биз учун ижодининг иккинчи томони муҳим аҳамиятга эгадир. Васфий шеър жанрида ал-Маъмуний билан на форс-тожик ва на араб шоирларидан ҳеч бири тенглаша олмайди. «Ғатимат ад-даҳр»га унинг юзга яқин васфий шеърлари киритилган. Буларда турли мевалар, сабзавотлар, ўша вақтда тайёрланадиган ҳар хил таомлар, табиат ҳодисалари, уй жиҳозлари, ўқув, ёзув қуруллари ва бошқалар тавсиф қилинади. Бу васфларни синчиклаб ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Мисоллар келтирамиз:

Шамдон ҳақида

Мана бегча, унинг ичида катта дарахт [шам]
қимирлаб турибди. Бунн тўроқ ҳам, ёмғир ҳам
ўстирмаган.

Боғнинг юзи — тилло, яшнаб турган меваси эса —
шам, ҳатто оловда ҳам бу дарахт ҳосил бермайди.

Юмшоқ курси ҳақида

Менинг ўтирадиган пастак жойим бор, мен ўтирсам
у тик туради.

У кенг кўкраги ва куч-қудрати билан фахрланади.

Темир оёқлари устида чармдан ясалган ўтириш
учун ўрин бор.

Ўнга ўтирганимда, ҳамма одамларни ўзимнинг
қулим деб фараз қиламан.

Кажава ҳақида

Иккита қўлогин бор, аммо улар сўзни эшитмайди,
керакли [парсаларни] ташиш учун қорни ҳам бор.
Уй аҳллариининг ҳаммаси [унга] оғир ишларни
юклашади ва унда онла учун керакли овқатлар
ташишади.

Бозорда унга бирор сирни айтсанг, у туя устига
ўтирганга бу сирни ошкор қилади.

Н о н ҳ а қ и д а

Тонг отганда уйғониб, овқатланмоқчи бўлганимда,
ейиш учун олдимда сарнёғ ва пўсти тозаланган
кунжут билан қорилган.
Нур сочиб турган ўн беш кунлик ой каби,
Ёки чечак из қолдирган турк [қизи] юзи каби
[нарсга тайёр туради].

Ҳ а б и с а⁵¹ ҳ а қ и д а

Олдимга жомда ёнғоқ ва шакар орасида яшириниб
юрган ҳабисани келтириб қўйишди.
Кимки ундан тотиса, қўлидаги беш бармоғини
ҳам [қўшиб] еб юборади, лекин буни сезмайди.

Қ у й м о қ ҳ а қ и д а

Уйимда меҳмон учун аталган, ўз ёғига беланган
ажойиботлар ажойиби қуймоқ [бор].
Юзини олов чақиб олгани тўфайли, у атиргуллар-
га чирмашган ясминга ўхшаб қолган.

С и ё ҳ д о н ҳ а қ и д а

Соф ойнадан [ишланган] гўё осмондан томган
бир қатрага ўхшаш кўлча
Худди бурундан оққан қон каби қизил совут
кийган ҳолда кўзга ташланади.
У [сиёҳдон] юрак бўлса, буниси [совут] юрак
халтасидир, ҳар иккисининг манбаи қораялоқ-
дай қорадир.
У ўзида тонг пайтида яширинаётган қоронғулик
каби томчиларни сақлайди.
Уни ичиди марвариди бор қутичага ўхшаш ги-
лоф сақлаб туради.

* * *

Бухоро X асрда Шарқнинг энг пирик маданий мар-
казларидан бири бўлиб, бу ерда тожик тили билан бир
қаторда араб тилида ҳам ёзилган адабиётлар мавжуд
бўлган. Лекин кейингиси ҳозиргача тўла ўрганилганича
йўқ. Бу икки тилдаги адабиётнинг тема, мазмун ва услу-

⁵¹ Ҳабиса — ширинлик қўшилган овқат.

би бир хил бўлиб, бир-бири билан боғлиқдир. Араб тилида халифаликнинг марказий шаҳарларидан келиб қолган шоирларгина эмас, балки анчагина ерли шоирлар ҳам ижод этганлар. Арабийнавис шоирлар ичида фақат шоирлик билан шуғулланган профессионал шоирларни учратмаймиз, уларнинг ҳаммаси қандайдир бир касб ва лавозим билан банд бўлган.

Араб тилидаги шеърлар ичида дин ва диний урф-одатларга бағишланган асарлар учрамайди, аксинча динга қарши мисралар кўплаб топилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, араб тилида ёзилган шеърлар айрим парчалардан иборат бўлиб, биронта ҳам шоирнинг девони ёки шеъри тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Шунинг учун бу шоирлар ва уларнинг ижоди ҳақида мукамал фикр юритиш қийин. Мазкур китобчада Бухоронинг арабийнавис шоирлари ҳақида бирмунча маълумот бериш ва уларнинг шеърларидан намуналар келтириш билангина кифояландик.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
ШОИР — ҚОТИБЛАР	8
Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Қотиб	8
Абу Таййиб Муҳаммад ибн Ҳотим ал-Мусъабий	10
Абу Мансур Аҳмад ибн Абдун ал-Абдуний	15
Абул Қосим ал-Кисравий	16
Муҳаммад ибн Мусо ал-Ҳаддодий ал-Балхий	17
Абу Муҳаммад ас-Суламий	18
Абу Наср аз-Зарифий ал-Абивардий	20
Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Динаварий	21
Абул Ҳасан Аҳмад ибн ал-Муаммал	23
Абул Қосим Исмоил аш-Шажарий	24
Абу Али ас-Салломий	24
Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ал-Искофий ан-Найсабурий	25
Абу Бакр Муҳаммад ибн Усмон ан-Найсабурий ал-Хозин	29
Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Али ал-Форисий	30
БОШҚА ҚАСБДАГИ ШОИРЛАР	32
Абу Таййиб ат-Тоҳирий	32
Абу Мансур ат-Тоҳирий	34
Абул Ҳусайн Муҳаммад ал-Муродий	34
Абул Фазл ас-Суккарий ал-Марвазий	36
Абу Аҳмад ал-Бўшанжий	37
Абул Ҳасан Али ал-Лаҳҳом ал-Ҳарроний	38
Абу Муҳаммад Ҳасан ал-Матроний	41
Абул Ҳасан Али аш-Шайбоний	45
Абу Наср ибн Ҳузайм ал-Ҳузаймий	45
Абул Ҳасан Муҳаммад ал-Ифриқий	47
Абу Абдуллоҳ Зарир ал-Абивардий	48
Абу Муҳаммад ибн Абу Сиёб	49
Абу Мансур ал-Бўшанжий	50
Абу Толиб Абдуссалом ал-Маъмуний	51

Абдуллаев И.

Бухоронинг арабийнавис шоирлари.
Масъул муҳаррир. Филол. фан. канд. Абду-
содиқ Ирисов. Т., «Фан», 1965.

55 бет. Тиражи 5000.

Абдуллаев И. Арабоязычные поэты
Бухары.

8С

На узбекском языке

Исмагулла Абдуллаев

АРАБОЯЗЫЧНЫЕ ПОЭТЫ
БУХАРЫ

Ташкент—1965.

Изд-во «Наука» УзССР

Муҳаррирлар: А. Аҳмадхўжаев, Н. Холхўжаева
Техниҳаррир Т. Ларионова
Корректор М. Алиева

Р10759. Теришга берилди 8/XII-65 й. Босишга руҳсат этилди 23/XII-65 й.
Формати 84×108^{1/16},—0,87 қоғоз л. 2,87. босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 3,05
Нашриёт № 1693/65. Тиражи 5000. Баҳоси 11 т.

УзССР „Фан“ нашриятининг босмахонаси, 2- Висоқовольт кўчаси, 21. Заказ 1479.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Баҳоси 117.